

НОРМА МАСЛАХАТЧИ

ҲУҚУҚ
СОЛИҚЛАР
БУХГАЛТЕРИЯ

2005 йил июлдан чиқа бошлаган, ҳафтада бир марта чоп этилади

Вазирлар Маҳкамаси яқунларни чиқарди

2017 йил 14 январь куни Вазирлар Маҳкамасининг мамлакатимизни 2016 йилдаги ижтимоий-иқтисодий ривожлантириш яқунларини ҳар томонлама таҳлил қилиш ҳамда республика ҳукуматининг 2017 йил учун иқтисодий ва ижтимоий дастури энг муҳим йўналишлари ва устувор вазифаларини белгилашга бағишланган кенгайтирилган мажлиси бўлиб ўтди.

2016 йил яқунлари бўйича ЯИМ 7,8 фоиз ўсганлиги қайд этиб ўтилди. Саноат маҳсулоти ҳажмлари – 6,6 фоиз, қурилиш-пудрат ишлари – 12,5 фоиз, чакана савдо айланмаси – 14,4 фоиз, хизматлар – 12,5 фоиз ўсди. Давлат бюджети ялпи ички маҳсулотга нисбатан 0,1 фоиз миқдорда профицит билан ижро этилди. Ташқи савдо айланмасининг ижобий салбоси таъминланди. Инфляция даражаси прогноз параметрларидан ошмади ва 5,7 фоизни ташкил этди.

Иқтисодиётга 16,6 млрд АҚШ доллари миқдордаги 2015 йилдаги нисбатан 9,6 фоиз кўп инвестициялар йўналтирилди. Ўзлаштирилган хорижий инвестициялар ва кредитлар ҳажми 11,3 фоиз ўсди ва 3,7 млрд доллардан ошиб кетди.

Қишлоқ ҳўжалигини модернизация ва диверсификациялаш бўйича амалга оширилаётган дастурий чора-тадбирлар қишлоқ ҳўжалиги ишлаб чиқариш ҳажмларининг 6,6 фоиз, жумладан, мева-сабзавот – 11,2 фоиз, картошка – 9,7 фоиз, сабзавот маҳсулотлари етиштириш 10,4 фоиз ўсишини таъминлади.

2-бетда

2017 йилда солиқлар ва бошқа мажбурий тўловлар ставкаларидаги ўзгаришлар, шунингдек, солиқ солишнинг айрим масалалари тўғрисида

ахборот

(Кўчирма*)

Ахборот куйидаги қонун ҳужжатларига мувофиқ тайёрланган:

Ўзбекистон Республикасининг 2016 йил 26 декабрдаги «Ўзбекистон Республикасининг айрим қонун ҳужжатларига ўзгартиш ва қўшимчалар киритиш тўғрисида»ги ЎРҚ-416-сонли Қонуни (кейинги ўринларда – ЎРҚ-416-сон Қонун);

Ўзбекистон Республикасининг 2016 йил 27 декабрдаги «Солиқ ва бюджет сиёсатининг 2017 йилга мўлжалланган асосий йўналишлари қабул қилинганлиги муносабати билан Ўзбекистон Республикасининг айрим қонун ҳужжатларига ўзгартиш ва қўшимчалар киритиш тўғрисида»ги ЎРҚ-417-сонли Қонуни (кейинги ўринларда – ЎРҚ-417-сон Қонун);

Ўзбекистон Республикасининг 2016 йил 29 декабрдаги «Тадбиркорлик фаолиятининг жадал ривожланишини таъминлашга, хусусий мулкни ҳар томонлама ҳимоя қилишга ва ишбилармонлик муҳитини сифат жиҳатидан яхшилашга доир қўшимча чора-тадбирлар қабул қилинганлиги муносабати билан Ўзбекистон Республикасининг айрим қонун ҳужжатларига ўзгартиш ва қўшимчалар киритиш тўғрисида»ги ЎРҚ-418-сонли Қонуни (кейинги ўринларда – ЎРҚ-418-сон Қонун);

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2016 йил 27 декабрдаги «Ўзбекистон Республикасининг 2017 йилги асосий макроиқтисодий кўрсаткичлари прогнози ва Давлат бюджети параметрлари тўғрисида»ги ПҚ-2699-сонли қарори.

*Ахборотнинг тўлиқ матни билан soliq.uz, norma.uz, nrm.uz сайтларида танишиш мумкин.

А. ЎРҚ-416-сонли Қонун билан Ўзбекистон Республикаси Солиқ кодексига киритилган ўзгариш ва қўшимчалар.

ЎРҚ-416-сонли Қонун билан Солиқ кодексининг 7 та моддасига ўзгариш ва қўшимчалар киритилди:

1. Меҳнат ва аҳолини ижтимоий муҳофаза қилиш вазирлиги Меҳнат вазирлигига ўзгартirilганлигидан келиб чиқиб, Солиқ кодексининг **147-моддаси 15-бандига, 159-моддаси 1-бандига, 329-моддаси 24-бандига, 331-моддаси 12-бандига ва 355-моддаси иккинчи қисми 1-бандига** тегишли ўзгартiriшлар киритилди.

2. Солиқ кодексининг **208-моддаси 13-бандига** киритилган ўзгартiriшга мувофиқ, қўшилган қиймат солиғидан (кейинги ўринларда – ҚҚС) озод қилинадиган тиббий хизматлар (косметология хизматлари бундан мустасно) ва ветеринария хизматлари, дори воситалари, ветеринария дори воситалари, тиббиёт ва ветеринария учун мўлжалланган буюмлар, шу жумладан уларни ишлаб чиқарувчилар томонидан реализация қилинаётган шундай воситалар ва буюмлар аниқлаштирилди ҳамда Ўзбекистон Республикасининг «Ветеринария тўғрисида»ги Қонунига мувофиқлаштирилди.

3. Солиқ кодексининг **211-моддаси 6-бандига** киритилган ўзгартiriшга мувофиқ, импорт қилишда ҚҚСдан озод қилинадиган дори воситалари, ветеринария дори воситалари, тиббиёт ва ветеринария учун мўлжалланган буюмлар,

3-бетда

Янги ҳужжатларни тақдим этамиз

Тақдим этилаётган, шунингдек сўнгги пайтда қабул қилинган бошқа ҳужжатларнинг тўлиқ матни билан «Norma» АҚТ ва norma.uz, nrm.uz сайтларида танишиб чиқишингиз мумкин.

«Тадбиркорлик фаолиятининг жадал ривожланишини таъминлашга, хусусий мулкни ҳар томонлама ҳимоя қилишга ва ишбилармонлик муҳитини сифат жиҳатидан яхшилашга доир қўшимча чора-тадбирлар қабул қилинганлиги муносабати билан Ўзбекистон Республикасининг айрим қонун ҳужжатларига ўзгартиш ва қўшимчалар киритиш тўғрисида»ги Қонун (29.12.2016 йилдаги ЎРҚ-418-сон, 2017 йил 1 январдан кучга кирди) билан қатор қонун ҳужжатларига тузатишлар киритилди («Норма маслаҳатчи»нинг 2 (599)-сонидан чоп этилган).

Текширишлар қандай ўтказилади:

қисқа муддатли текширишлар

Қисқа муддатли текширишлар: тушунча, асослар ва ўтказиш тартиби

«Ҳўжалик юртувчи субъектлар фаолиятини давлат томонидан назорат қилиш тўғрисида»ги Қонунга қисқа муддатли текшириш тушунчаси киритилди. Бу – назорат қилувчи органлар томонидан жисмоний ва юридик шахсларнинг қонун ҳужжатлари бузилганлиги фактлари тўғрисидаги мурожаатлари асосида амалга ошириладиган текширишдир.

Текширишнинг ушбу тури режадан ташқари текшириш тарзида назорат қилувчи органлар томонидан амалга оширилади.

Қисқа муддатли текширишни ўтказиш учун қуйидагилар асос бўлиб хизмат қилади:

➤ махсус ваколатли органнинг (Назорат қилувчи органлар фаолиятини мувофиқлаштирувчи Республика кенгаши) текширилаётган объектнинг номи, солиқ тўловчининг идентификация рақами, текшириш ўтказишнинг мақсади, муддатлари ҳамда уни ўтказиш сабабларининг асослиги қўрсатилган қисқа муддатли текшириш ўтказишга доир қарори;

➤ текширишни амалга оширувчи тегишли назорат қилувчи органнинг махсус ваколатли органнинг қарори асосида чиқарилган, мансбдор шахсларнинг таркиби ва текширишни ўтказиш муддатлари кўрсатилган буйруғи.

Муқобил текширишлар ўтказилмайди

Қонундан муқобил текширишлар тушунчаси, асослари ва ўтказиш тартиби чиқариб ташланди, негаки 2017 йил 1 январдан текширишнинг мазкур тури, шу жумладан жиноий ишлар бўйича текширувлар доирасида ҳам бекор қилинган.

Банкларда режали текширишлар – 5 йилда бир марта

Хусусий банклар ва бошқа хусусий молия институтларининг молия-ҳўжалик фаолиятини режали текширишлар кўпи билан 5 йилда 1 марта амалга оширилади.

Қонунга айрим бошқа ўзгартiriшлар ҳам киритилди.

жиноят ишлари бўйича текширишлар

Жиноят-процессуал кодекси жиноят иши доирасида тафтиш ўтказиш тартибини тартибга солувчи махсус 22-1-Боб билан тўлдирилди.

Қайси ҳолатларда тафтиш тайинланади

Юридик шахслар ва яқка тартибдаги тадбиркорларни тафтиш қилиш иш учун аҳамиятли бўлган ҳолатлар ҳақидаги маълумотларни текширилаётган субъектларнинг бухгалтерия, молия, статистика, банк ҳўжатларини ва бошқа ҳўжатларини ўрганиш ҳамда таққослаб кўриш йўли билан олиш мумкин бўлган ҳўжларда тайинланади.

Бунда тадбиркорлик субъектини тафтиш қилиш фақат унинг қонун ҳўжатларини бузганлиги фактлари бўйича қўзғатилган жиноят иши доирасида амалга оширилади. Яъни терговга қадар тафтиш ўтказилишига йўл қўйилмайди. Шу билан бирга жиноят иши қўзғатилгунига қадар бошқа юридик шахсларга нисбатан – бюджет ва нотижорат ташкилотларида тафтиш ўтказилиши мумкин.

Тафтишга тадбиркорлик субъектининг фақат қўзғатилган жиноят иши билан боғлиқ фаолияти қамраб олиниши мумкин. Бошқа юридик шахслар учун бундай қафолат назарда тутилмаган.

Тафтиш тайинлаш учун асос

Тафтиш суриштирувчининг, терговчининг, прокурорнинг қарори ёки суднинг аҳрими билан тайинланади, унда қуйидагилар кўрсатилган бўлиши керак:

➤ текширилаётган субъектнинг тўлиқ номи ва унинг ташкилий-ҳўқуқий шакли (яқка тартибдаги тадбиркорнинг Ф.И.Ш.), солиқ тўловчининг идентификация рақами ва юридик манзили;

➤ жиноят ишининг рақами ёки тафтишни тайинлаш учун терговга қадар текшириш жараёнида юзага келган асослар ёҳуд қўшимча ёки қайта тафтиш тайинлаш учун асослар;

➤ тафтиш ўтказиш чоғида ўрганиладиган масала ёки масалалар доираси;

2-бетда

Вазирлар Маҳкамаси яқунларни чиқарди

1-бетда

Хусусий мулк ва тадбиркорликни ҳар томонлама қўллаб-қувватлаш ва химоя қилиш бўйича чора-тадбирларнинг амалга оширилиши 2016 йилда 32 мингтага яқин ёки 2015 йилдагига нисбатан 18 фоиз кўп кичик бизнес субъектлари ташкил қилинишига туртки бўлди. Кичик бизнеснинг мамлакат ялпи ички маҳсулотидаги ҳиссаси 56,9 фоизгача, саноатда эса 45 фоизгача ошди.

Ижобий таркибий ўзгаришлар ва иқтисодиётнинг юқори ўсиш суръатлари туфайли аҳолининг реал даромадлари 11 фоиз ошди. Бюджет ташкилотлари ходимларининг иш ҳақи 15 фоиз, пенсия ва ижтимоий нафақалар – 12,1 фоиз, аҳоли жон бошига реал даромадлар –

11 фоиз ўсди, 726 минг нафарга яқин аҳолининг, шу жумладан, 438,5 минг коллеж битирувчисининг бандлиги таъминланди.

Мажлисда Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёев маъруза қилди.

Мамлакат Президенти ўз маърузасида мавжуд ҳал бўлмаган муаммолар ва тўлиқ ишлатилмаган захираларни батафсил ва ҳар томонлама муҳокама қилган ҳолда 2017 йилдаги республиканинг иқтисодий ва ижтимоий дастури энг муҳим стратегик вазифалари ва устувор йўналишлари бўйича тақдир қиритди. Ҳукумат, вазирликлар, идоралар, хўжалик бирлашмалари ва маҳаллий ижро этувчи ҳокимият органлари

раҳбарлари олдида қуйидаги вазифаларни қўйди:

Ўтказилган мажлис яқунлари бўйича мамлакат Президенти томонидан ҳукумат, вазирликлар, идоралар, хўжалик бирлашмалари ва ҳокимликлар раҳбарлари олдида қуйидаги аниқ устувор вазифалар ва талаблар қўйилди:

Биринчи – 2017 йилги иқтисодий ва ижтимоий дастурнинг 11 та энг муҳим устувор вазифасини амалга ошириш бўйича комплекс чора-тадбирларни ишлаб чиқиш;

Иккинчи – иқтисодиёт тармоқлари, ижтимоий соҳа ва республика ҳудудларида ишларнинг ҳолатини тизимли танқидий таҳлил қилиш ва шу асосда иқтисодий ислохотларни чуқурлаштиришнинг асосий

йўналишлари ҳамда устувор вазифаларига тегишли тузатишлар киритиш;

Учинчи – яқуний иш натижалари, қаттиқ интизомга риоя қилиш ҳамда тобора ортиб бораётган замонавий талабларга мувофиқ бошқарув тизими самарадорлигини кучайтириш борасида раҳбарлар ва мансабдор шахсларнинг шахсий масъулиятини ошириш.

Муҳокама яқунлари бўйича республика Ҳукумати қарори қабул қилиниб, 2017 йилда мамлакатни ижтимоий-иқтисодий ривожлантириш дастурининг энг муҳим йўналишлари ва устувор вазифалари бўйича амалий чора-тадбирлар белги-ланди.

ЎЗА материали асосида.

Янги ҳужжатларни тақдим этамиз

1-бетда

➤ молия-хўжалик фаолиятининг тафтиш қилиниши лозим бўлган даври;

➤ тафтиш ўтказиш топширилган ваколатли органнинг номи, шу жумладан қўшимча равишда жалб этиладиган давлат органлари ва ташкилотлар.

Тафтишнинг маъноси ва асослари таъриф қилинган.

Тафтишнинг ким ўтказиши

Жиноят ишлари бўйича тафтиш қуйидаги органларнинг мутахассислари томонидан ўтказилади:

Бош прокуратура ҳузуридаги Солиқ, валютага оид жиноятларга ва жиноий даромадларни легаллаштиришга қарши курашиш департаменти;

давлат солиқ хизмати;

Молия вазирлиги ва ҳудудий молия органлари.

Зарур бўлган ҳолларда, суриштирувчининг, терговчининг, прокурорнинг қарорига ёхуд суднинг ажрими кўра бошқа давлат органлари ва ташкилотларнинг ходимлари ҳам тафтиш ўтказиш учун жалб этилиши мумкин.

Зарурий ҳужжатлар

Қуйидаги ҳужжатларнинг мавжуд бўлиши тафтиш ўтказишнинг мажбурий шартидир:

➤ тафтиш тайинлаш тўғрисидаги қарор ёки ажрим;

➤ ваколатли органнинг тафтиш ўтказиш тўғрисидаги буйруғи;

➤ тафтиш ўтказувчи шахснинг хизмат гувоҳномаси;

➤ тафтишга рухсат бериш тўғрисидаги махсус гувоҳнома.

Тафтиш ўтказиш тартиби

Жиноят ишлари бўйича тафтиш ўтказиш тартиб-қои-даси тасдиқланди.

Тафтиш ўтказиш учун тайинланган шахслар текшири-лаётган субъектнинг мансабдор шахсларини ёки вакил-ларини тафтиш ўтказиш учун асос бўлган ҳужжатлар бил-лан тафтиш ўтказиш бошлангунига қадар таништириши, шунингдек текширувларни рўйхатдан ўтказиш китобига ёзув киритиши шарт.

Тафтиш тайинлаш тўғрисидаги қарорнинг ёки аж-римнинг ва ваколатли органнинг тафтиш ўтказиш ҳақи-даги буйруғининг кўчирма нусхалари текширилаётган субъектга топширилган, шунингдек улар хизмат гувоҳ-номаси ва тафтишга рухсат бериш тўғрисидаги махсус гувоҳнома билан таништирилган пайт тафтиш ўтказиш бошланган пайт деб ҳисобланади. Тегишли ҳужжатларни олиш ва улар билан танишишдан бош тортилган тақдир-да, баённома тузилади, у имзоланган пайтдан тафтиш ўтказиш бошланади.

Сўнгра текширилаётган субъектнинг мансабдор шахси ёки вакили тафтиш ўтказиш учун зарур бўлган ҳужжатларни, ахборот ва материалларни тақдим эти-ши шарт.

Тафтиш пайтида текширилаётган субъектнинг ҳудуди ва биноларини текширувдан, шунингдек мол-мулкни инвентаризациядан ўтказиш мумкин.

Текширилаётган субъектнинг мансабдор шахси ёки вакилига тафтиш натижалари тўғрисидаги далолатнома топширилган кун тафтиш ўтказиш тугалланган кун деб ҳисобланади.

Текширилаётган субъект ҳақидаги умумий маълум-отлар билан бир қаторда далолатномада қуйидагилар кўрсатилади:

Тахрият аноним хатларга муносабат билдирмасликка, қонун ҳужжатларида белгилангандан та-шқари ҳолларда респондентнинг хоҳишига кўра у ҳақдаги ахборотни ўчинчи шахсларга бермасликка ҳақли.

➤ қонун ҳужжатларининг аниқланган бузилишлари-нинг (улар мавжуд бўлган тақдирда) батафсил тавсифи қонун ҳужжатларининг бузилган нормаларига ҳавола қилинган ҳолда;

➤ ўтказилган тафтиш натижаларига доир, шу жумла-дан қонун ҳужжатларининг бузилишлари мавжуд эмас-лиги тўғрисидаги ҳулосалар.

Тафтиш ўтказиш муддатлари

Тафтиш ўтказиш муддати 30 календарь кундан ибо-ратдир.

Зарур бўлган ҳолларда, текширилаётган субъектнинг ҳужжатлари ҳажми, фаолиятининг тури ва қўламлари ҳисобга олинган ҳолда, тафтиш муддати тафтиш ўтка-зувчи шахснинг асосланган илтимосномасига кўра терговчининг, прокурорнинг қарори ёки суднинг ажрими билан ўзайтирилиши мумкин.

Тафтишнинг умумий муддати уни ўтказиш муддатла-ри ўзайтирилиши инobatта олинган ҳолда, дастлабки тергов ва суд мажлисида жиноят ишини муҳокама қи-лишнинг муддатларидан ошмаслиги керак.

Зарар сўндирилганда иш тугатилади

Жиноят-процессуал кодексига жиноят ишини туга-тиш учун янги асос ҳам киритилди.

Энди белгиланган муддат ичида етказилган мод-дий зарарнинг ўрни қопланганлиги ва (ёки) жиноят оқибатлари бартараф этилганлиги муносабати бил-лан жавобгарликдан озод қилиниши назарда тутил-ган тақдирда ҳам, шахснинг жиноят содир этилишида айблилиги тўғрисидаги масалани ҳал қилмай туриб жиноят иши тугатилиши лозим.

Маълумот учун: ЖПКнинг 84-моддаси 1-қисмига мувофиқ қуйидаги ҳолларда шахснинг жиноят содир этилишида айблилиги тўғрисидаги масалани ҳал қил-май туриб жиноят иши тугатилиши:

○ шахснинг жавобгарликка тортиш муддати ўтган бўлса;

○ эълон қилинган амнистия акти содир этилган жиноят ёки шахсга дахлдор бўлса;

○ айбланувчи, судланувчи вафот этган бўлса;

○ шахсга нисбатан айнан шу айблов бўйича суднинг қонуний кучга кирган ҳукми бўлса;

○ шахсга нисбатан айнан шу айблов бўйича ишни тугатиш ҳақида суднинг қонуний кучга кирган ажрими (қарори) ёки ваколатли мансабдор шахснинг жиноят иши кўзга тутилган рад этиш ёхуд ишни тугатиш ҳақида бекор қилинмаган қарори бўлса;

○ иш фақат жабрланувчининг шикоятини билан қўз-ғатиладиган ҳолларда унинг шикояти бўлмаса, ЖПК-нинг 325-моддасида назарда тутилган ҳоллар бундан мустасно;

○ шахс ижтимоий ҳавфли қилиш содир этган пайтда жиноий жавобгарликка тортиш мумкин бўл-ган ёшга тулган бўлса;

○ Жиноят кодекси Махсус қисмининг тегишли моддасида шахснинг ўз қилмишига амалда пушаймон бўлганлиги туфайли жавобгарликдан озод қилиниши назарда тутилган бўлса.

Текширишларда штатдаги юристлар иштирок этишлари мумкин

«Тадбиркорлик фаолияти эркинлигининг қафолат-лари тўғрисида»ги Қонунга қатор ўзгаришлар ва қўшимчалар киритилди.

Штатдаги юрист ёки адвокат иштирок этиши мумкин

Энди тадбиркорлик субъектларига қўзғатилган жиноят ишлари бўйича текширувларни ўтказишнинг барча босқич-ларида юридик хизмат вакиллари ва (ёки) адвокатларни иштирок этиш учун жалб қилиш ҳуқуқи берилди. Илгари фақат адвокатларни жалб этиш мумкин эди. Бундай иш-тирок мажбурий ҳисобланади, тадбиркорлик субъектлари мазкур ҳуқуқдан воз кечган ҳолатлар бундан мустасно.

Текшириш бошланишидан олдин, текширувни амал-га оширувчи мансабдор шахс томонидан тадбиркорлик субъектнинг ваколатли вакилига унинг текширишда иштирок этиш учун юридик хизмат вакилларини жалб этиш ёки унинг иштирокини рад этиш ҳуқуқи ёзма шаклда тушунтирилади, бу ҳақда баённома тузилади.

Ваколатли органнинг қарорига кўра бозорларда қисқа муддатли текширишлар ўтказиш

Шунингдек Қонунда бозорлар, савдо мажмуалари ҳудудларидаги ва уларга туташ, автотранспорт воси-таларини вақтинча сақлаш жойларидаги тадбиркорлик субъектлари фаолиятини қисқа муддатли текширувдан ўтказиш учун асосларга тузатишлар киритилди.

Бундай текширишлар бир марталик йўл, ижара ҳақининг тўлиқ тушиши ҳамда уларнинг топширилиши ҳисобга олиниши, фискал хотирани назорат-касса ма-шиналаридан, тўловларни пластик карточалар асосида қабул қилиш бўйича ҳисоб-китоб терминалларидан фой-даланилиши, шунингдек савдо ва хизмат кўрсатиш қои-даларига риоя этилиши юзасидан давлат солиқ хизмати органларининг фақат қонун ҳужжатларида ваколат берил-ган бўлималари томонидан назорат қилувчи органлар фаолиятини мувофиқлаштириш бўйича махсус ваколатли органнинг қонун бузилишлари фактлари ҳақидаги юридик ва жисмоний шахсларнинг муурожаатларига асосланиб қабул қилинган қарорига биноан ўтказилади.

Лицензиатлар фуқаролар ва таъсисотларнинг муурожаатлари асосида текширилади

«Фаолиятнинг айрим турларини лицензиялаш тўғрисида»ги Қонунга киритилган ўзгаришларга мувофиқ энди лицензия берувчи органлар лицензия талаблари ва шартларига лицензиат томонидан риоя этилиши юзасидан қисқа муддатли текширишларни жисмоний ва юридик шахсларнинг қонун ҳужжатла-ри бузилганлиги фактлари тўғрисидаги муурожаатла-ри асосида махсус ваколатли органнинг – Назорат органлари фаолиятини мувофиқлаштирувчи рес-публика кенгашининг қарорига кўра қонун ҳужжат-ларида белгиланган тартибда ўтказиши мумкин.

Эслатиб ўтаемиз, илгари лицензиат томонидан лицен-зия талаблари ва шартлари бузилганлиги ҳақида далолат берувчи фактлар мавжуд бўлганда, режадан ташқари текширишлар ўтказилар эди.

8-бетда

«Норма маслаҳатчи» газетасида эълон қилинган материалларни тўлиқ ёки қисман кўчириб бо-сиш, электрон ва бошқа манбаларда қўлайтириш, тарқатишга фақат «NORMA» gazetalarini birlashgan tahririyati» МЧЖ билан тузилган шартнома асосида йўл қўйилади.

2017 йилда солиқлар ва бошқа мажбурий тўловлар ставкаларидаги ўзгаришлар, шунингдек, солиқ солишнинг айрим масалалари тўғрисида

ахборот

1-бетда шунингдек дори воситалари, ветеринария дори воситалари, тиббиёт ва ветеринарияга мўлжалланган буюмлар ишлаб чиқариш учун қонун ҳужжатларида белгиланадиган рўйхат бўйича олиб кириладиган хом ашёлар аниқлаштирилди.

Б. ЎРҚ-417-сонли Қонунга мувофиқ Ўзбекистон Республикаси Солиқ кодексига киритилган ўзгариш ва қўшимчалар.

ЎРҚ-417-сонли Қонун билан Солиқ кодексининг 38 та моддасига ўзгариш ва қўшимчалар киритилди. Жумладан:

1. Солиқ кодексининг 22-моддасига киритилган ўзгариш дивиденд тушунчасини аниқлаштиришни ҳамда «Акциядорлик жамиятлари ва акциядорларнинг ҳуқуқларини ҳимоя қилиш тўғрисида»ги Ўзбекистон Республикаси Қонунининг 18-моддасига мувофиқлаштиришни назарда тутди.

2. Солиқ кодексининг 30-моддасига киритилган қўшимча солиқ тўловчиға мақсадли имтиёзларни қўллаш ҳисобига бўшаган маблағларни имтиёз даври тугагандан кейинги бир йил давомида имтиёзлар берилмаётган чоғда белгиланган мақсадлар учун фойдаланиш ҳуқуқини беради, шунингдек фойдаланилмаган маблағлар қолдигини республика бюджетига ўтказиш муддатини белгиллади.

3. Солиқ кодексининг 59 ва 61-моддаларига киритилган ўзгаришларга асосан, солиқ қарзи тўлов муддати ўтган пайтдан бир йил мобайнида ундирилмаган бўлса, солиқ қарзини ундирувчи мол-мулкка қаратиш учун қонун ҳужжатларида белгиланган энг кам миқдордан оз бўлган ҳолларда ҳам мажбурий ундириш чоралари қўлланилишини назарда тутди.

4. Солиқ кодексининг 63-моддасига киритилган ўзгаришга мувофиқ, солиқ қарзи суммасини ўтказиш тўғрисидаги инкассо топшириқномаларини тақдим этишнинг ягона муддатини белгиллади, бунда юридик шахслар каби яққа тартибдаги тадбиркорлар учун ҳам тўлов муддати тугагандан кейин уч иш кўни қилиб белгиланди.

5. Қонунчиликка киритилган ўзгаришларга мувофиқ, фаолият турлари билан лицензиясиз ва бошқа рухсат берувчи ҳужжатларсиз шуғулланганлик борасидаги ҳуқуқбузарлик учун молиявий санкция бекор қилиниб, маъмурий жавобгарликка ўтказилганлиги сабабли Ўзбекистон Республикасининг «Тадбиркорлик фаолияти эркинлигининг кафолатлари тўғрисида»ги Қонунининг 40-моддаси ва Солиқ кодексининг 104-моддасига тегишли ўзгаришлар киритилди.

6. Солиқ кодексининг 126-моддасига киритилган ўзгаришга асосан, нотижорат ташкилотлари учун фойда солигини тўлаш бўйича мажбуриятлари юзга келадиган даромадлар турлари, шунингдек, нотижорат ташкилотлари учун тадбиркорлик фаолияти сифатида қаралмайдиган даромадлар таркиби аниқлаштирилмоқда.

Худди шундай тегишли ўзгаришлар Солиқ кодексининг 197, 257, 265, 279 ва 295-моддаларига ҳам киритилди.

7. Солиқ кодексининг 126-моддасига киритилган ўзгаришга асосан, Солиқ кодексининг 132-моддасининг учинчи қисми чиқариб ташланди.

8. Солиқ кодексининг 135-моддасига киритилган ўзгариш аниқлаштирувчи тўсга эга бўлиб, заём берувчиға фойзли даромад тўлаш мажбуриятисиз заём ва молиявий ёрдам олинганда, шунингдек Марказий банкнинг қайта молиялаштириш ставкасидан паст ставкада фойзли даромад тўланганда даромадни аниқлаш тартибини белгиллади.

9. Солиқ кодексининг 155-моддасига киритилган ўзгаришлар солиқ агентига Ўзбекистон Республикасини норезидентнинг барча даромадлари бўйича тўлов манбаида юридик шахслардан олинадиган фойда солиғи ўшлаб қўлинмаган ёки пасайтирилган ставкаси қўлланилган ҳолда халқаро шартномалар нормаларини мустақил равишда қўллаш ҳуқуқини беради.

10. Солиқ кодексининг 178-моддаси 13-бандига ва 179-моддаси 7-бандига киритилган ўзгаришларга асосан, Ўзбекистон Республикаси Президентини Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг қарори асосида бериладиган совғалар ҳам жисмоний шахснинг бошқа даромадлари сифатида тан олинмиши, шу билан бир вақтда уларни жисмоний шахслардан олинадиган даромад солигидан (кейинги ўринларда – ЖШДС) озод этилиши белгиланди.

11. Солиқ кодекси 179-моддасига киритилган ўзгариш аниқлаштирувчи тўсга эга бўлиб, солиқ солиш объ-

ектига реализация қилишдан эмас, балки мол-мулкни сотишдан олган даромадлар кириши белгиланди, чунки, реализация қилиш ҳар доим ҳам пул эквиваленти олинганлигини аниқлатмайди.

12. Солиқ кодексининг 179-моддаси 11-бандига киритилган ўзгаришга асосан, Солиқ кодексининг 181-моддаси биринчи қисми олтинчи хатбошисига ўзгариш киритилди.

Шунингдек, Солиқ кодексининг 181-моддасининг иккинчи қисми, яъни меҳнат шароити ўта зарарли ва ўта оғир ишларда банд бўлган аёлларнинг даромадларидан олиш даражаси 20 фойздан ошмаслигини белгилувчи нормани чиқариб ташланишини назарда тутди. Бунинг асосий сабаби, ҳозирги вақтда солиқнинг энг юқори ставкаси 23 фойзни ташкил этади, бундай шароитда солиқ тўловчиларнинг барча тоифалари учун олиш даражаси 20 фойздан ошмайди.

13. Солиқ кодексининг 192-моддасига киритилган ўзгаришга мувофиқ, олдин тақдим этилган декларацияда давлат солиқ хизмати органи томонидан нотўғри маълумотлар аниқланганда тўғрилانган декларация тақдим этиш тартиби белгиланди.

14. Солиқ кодексининг 254-моддасига киритилган ўзгаришларга асосан:

жаҳон бозорида нархи мавжуд бўлмаган фойдали қазилмаларни қазиб олишни амалга оширадиган ер қарьидан фойдаланувчилар учун солиқ солиш базасини аниқлаш тартиби белгиланди. Бунда, ер қарьидан фойдаланувчиларнинг ушбу тоифаси учун белгиланган тартибда қилишган тегишли конни сановат йўсинида ўзлаштириш бўйича техник-иктисодий асосларда назарда тутилган қавлаб олишнинг йшлаб чиқариш таннаридан қелиб чиқиб, уни 20 фойзга ошириш йўли билан солиқ солиш базаси аниқланади;

тижоратбон топилма бонуси ҳисоб-китоби ва уни тўлаш муддатлари аниқлаштирилди, яъни ушбу муддатлар фойдали қазилмалар захираларини тасдиқлаш муддати билан эмас, балки ер қарь участкасидан фойдаланиш ҳуқуқини берадиган лицензия олинган санасидан қелиб чиқиб аниқланади. Бунда, қазиб олиш ҳуқуқи лицензияни олиш пайтидан бошлаб пайдо бўлади, тегишлича ҳисоб-китоб ва тўлаш қазиб олиш учун лицензия олинган санадан бошлаб амалга оширилади;

15. Солиқ кодексининг 263, 271, 285-моддаларига киритилган қўшимчаларга асосан, йил мобайнида ягона солиқ тўловига (кейинги ўринларда – ЯСТ) ўтаётган умумбелгиланган солиқ тўловчилар учун сув ресурсларидан фойдаланганлик учун солиқ, мол-мулк солиғи ва ер солиғи бўйича ҳисоб-китоби тақдим этиш муддатларини назарда тутди. Ушбу ҳолат шу билан белгилангани, ҳисобот йили давомида ЯСТни тўлашга ўтаётган солиқ тўловчиларда ЯСТга ўтиш муносабати билан тўлаш мажбурияти тугайдиган солиқлар бўйича мажбуриятлар қайта ҳисобланган лозим.

16. Солиқ кодексининг 291-моддасига асосан, тадбиркорлик фаолиятида фойдаланиладиган ер участкалари учун ёҳуд уйлар, дала ҳўли иморатлари, яққа тартибдаги гаражлар ва бошқа иморатлар, иншоотлар, жойлар юридик шахсга ёки яққа тартибдаги тадбиркорга ижарага берилганда, шунингдек жисмоний шахсларнинг мулкда бўлган, яъш учун мўлжалланмаган жойлар эгаллаган ер участкалари учун жисмоний шахслардан ер солиғи юридик шахслардан олинадиган ер солигини тўлаш учун белгиланган ставкалар бўйича ундирилади ҳамда Солиқ кодексининг 290-моддасида кўрсатилган имтиёзлар уларга нисбатан татбиқ этилмайди.

Шунинг сабабли, Солиқ кодексининг 290-моддасига киритилган ўзгаришга асосан, Солиқ кодексининг 282-моддаси иккинчи қисмида юридик шахслар учун белгиланган имтиёзларнинг жисмоний шахсларга татбиқ этилиши бўйича норма чиқариб ташланди.

17. Солиқ кодексининг 296, 313, 317 ва 325-моддаларига киритилган қўшимчалар Ўзбекистон Республикасининг «Фуқароларнинг жамғариб бориладиган пенсия таъминоти тўғрисида»ги Қонуни 14-моддасига мувофиқлаштириш мақсадида Халқ банки томонидан фуқароларнинг шахсий жамғариб бориладиган пенсия ҳисобварақларидаги маблағлардан фойдаланишдан олинган даромадни (фойдани) солиқ солишдан озод этиш бўйича имтиёзни аниқлаштириш мақсадида киритилди.

18. Солиқ кодексининг 300-моддасига киритилган қўшимчага асосан, ободонлаштириш ва ижтимоий инфратузилмани ривожлантириш солиғи бўйича жорий тўловлар суммасини камайтириб кўрсатувчи со-

лиқ тўловчиларга жавобгарлик чоралари белгиланди. Бунда жорий тўловлар суммаси билан ҳисобот даври учун бюджетга тўланиши лозим бўлган солиқ суммаси ўртасидаги фарқ 10 фойздан кўпроқни ташкил этган ҳолларда давлат солиқ хизмати органлари томонидан пеня ҳисобланади. Жорий тўловларни тўлашни назарда тутувчи барча солиқлар бўйича худди шундай норма белгиланган.

19. Солиқ кодексининг 329-моддаси 23-банди ва 330-моддаси 12-бандига киритилган ўзгаришларга асосан, бюджетдан ташқари Пенсия жамғармаси таркибий тузилмалари умий юрисдикция судларига ва ҳўжалик судларига фуқаролардан пенсия ва нафақалардан ортиқча (ноқонуний) тўланган суммаларни ундириш, шунингдек Ўзбекистон Республикасининг «Фуқароларнинг давлат пенсия таъминоти тўғрисида»ги Қонунига мувофиқ пенсияларни тўлашга кетган маблағларни ташкилотлардан ундириш билан боғлиқ даъво аризалари бўйича давлат божидан озод қилинди.

20. Солиқ кодексининг 347-моддасига киритилган ўзгаришга асосан, энг кам иш ҳақи миқдори ўзгарганда товарларнинг айрим турлари билан чакана савдо қилиш ва айрим турдаги хизматлар кўрсатиш ҳуқуқи учун йиғим бўйича аниқлаштирилган ҳисоб-китоби тақдим этиш нормаси чиқариб ташланди. Ушбу ўзгаришга асосан йиғим миқдори йил бошига белгиланган энг кам иш ҳақидан қелиб чиқиб аниқланади ва энг кам иш ҳақи миқдори йил давомида ўзгарганда қайта кўриб чиқилмайди. Худди шундай норма жисмоний шахсларни даромадига солиқ солиш шкаласини ва қатъий белгиланган солиқ суммасини аниқлашда назарда тутилган.

21. Солиқ кодексининг 349-моддасига киритилган ўзгаришга мувофиқ, солиқ солишнинг соддалаштирилган тартибдаги солиқ тўловчиларга молиялаштиришнинг марказлаштирилган манбалари жалб қилинган ҳолда танлов савдолари асосида объектлар қурилиши бўйича қўшилган қиймат солигини тўлаш юзасидан мажбурият киритилди.

22. Юридик шахсларни микрофирма ва кичик корхоналар жумласига кириши учун ҳодимларнинг ўртача йиллик сонини аниқлашдаги ноаниқликларни бартараф этиш мақсадида Солиқ кодексининг 350-моддаси учинчи қисми учинчи хатбошисига ўзгариш киритилди.

23. Солиқ кодексининг 351-моддасига киритилган ўзгаришга мувофиқ, ўтган йилнинг якунлари бўйича ЯСТни тўлаш учун белгиланган мезонларга мос келадиган умумбелгиланган солиқ тўловчилари учун ЯСТга ўтиш тўғрисида хабарнома ЯСТга ўтишни мўлжалланган йилнинг жорий ҳисобот даври биринчи ойининг 10-санасигача кечиктирмай тақдим этиши белгиланди.

24. Солиқ кодексининг 352-моддасига киритилган ўзгаришга асосан, авваллари савдо ёки умумий овқатланиш соҳасидаги фаолиятни амалга оширган микрофирма ва кичик корхоналарга ЯСТни хабарнома бермаган ҳолда тўлашни давом эттириш имконини беради.

25. Барча солиқ турлари бўйича солиқ солинадиган базаларни бирхиллаштириш мақсадида Солиқ кодексининг 355-моддаси иккинчи қисми 1-банди тўққизинчи хатбошисига ўзгариш киритилди.

26. Солиқ кодексининг 375-моддасига киритилган ўзгаришга асосан, касб-ҳўнар коллежлари битирувчилари яққа тартибдаги тадбиркор сифатида давлат рўйхатидан ўтилган пайтдан бошлаб ўн икки ой ичида фаолиятни уч ва ундан кўп ойга тўхтатган тақдирда, қатъий белгиланган солиқни фаолият амалга оширилган бутун давом учун тўлаши белгиланди.

В. ЎРҚ-418-сонли Қонун билан Ўзбекистон Республикаси Солиқ кодексига киритилган ўзгариш ва қўшимчалар.

ЎРҚ-418-сонли Қонуни билан Солиқ кодексининг 6 та моддасига ўзгаришлар ва қўшимчалар киритилди. Жумладан, Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2016 йил 5 октябрдаги «Тадбиркорлик фаолиятининг жадал ривожланишини таъминлашга, хўсусий мулкни ҳар томонлама ҳимоя қилишга ва ишбилармонлик муҳитини сифат жиҳатидан яхшилашга доир қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида»ги ПФ-4848-сонли Фармонидан қелиб чиқиб, қонунчилики мувофиқлаштириш мақсадида:

1. Солиқ кодексининг 86-моддасидан муқобил текширув тури чиқариб ташланди ҳамда қуйидаги тахрирда баён этилди:

«Солиқ текширувлари қуйидаги турларга бўлинади: режали солиқ текшируви; режадан ташқари солиқ текшируви.

2017 йилда солиқлар ва бошқа мажбурий тўловлар ставкаларидаги ўзгаришлар, шунингдек, солиқ солишнинг айрим масалалари тўғрисида

ахборот

3-бетда

Солиқ тўловчи молия-хўжалик фаолиятининг режали солиқ текшируви (тафтиши) — текширувларни амалга оширишнинг назорат қилувчи органлар фаолиятини мувофиқлаштирувчи махсус ваколатли орган томонидан тасдиқланган мувофиқлаштириш режаси асосида ўтказиладиган текширувдир.

Режадан ташқари солиқ текшируви — юридик шахс тугатилиши муносабати билан ўтказиладиган солиқ тўловчи молия-хўжалик фаолиятининг солиқ текшируви (тафтиши), шунингдек жисмоний ва юридик шахсларнинг қонун ҳужжатлари бузилганлиги фактлари тўғрисидаги мурожаатлари асосида назорат қилувчи органлар фаолиятини мувофиқлаштирувчи махсус ваколатли орган қарорига кўра ўтказиладиган қисқа муддатли текширувдир;

2. Солиқ кодексининг **88-моддасига** киритилган ўзгаришга асосан, бозорларнинг, савдо комплексларининг ҳудудларида ва уларга туташ бўлган автотранспорт воситаларини вақтинча сақлаш жойларида бир марталик йигимлар, ижара ҳақи тўлиқ тушишига ва топширилиши ҳисобга олинишига, фискал хотирли назорат-касса машиналаридан, тўловларни пластик картонкалар асосида қабул қилиш бўйича ҳисоб-китоб терминалларидадан фойдаланилишига, шунингдек савдо ва хизмат кўрсатиш қоидаларига риоя этилишига тааллуқли қисқа муддатли текширувлар ўтказиш учун қуйидагилар асос бўлади:

- назорат қилувчи органлар фаолиятини мувофиқлаштирувчи махсус ваколатли органнинг текширув ўтказиш тўғрисидаги текшириладиган объектнинг номи, солиқ тўловчининг идентификация рақами, текширувнинг мақсадлари, текширув ўтказиш муддатлари ва уни асословчи сабаблар кўрсатилган қарори;

- давлат солиқ хизмати органининг қонун ҳужжатларида ваколат берилган бўлини маси бошлигининг назорат қилувчи органлар фаолиятини мувофиқлаштирувчи махсус ваколатли органнинг қарори асосида чиқарилган, текширув ўтказиш мақсадлари, муддатлари ва текширувчи мансабдор шахсларнинг таркиби кўрсатилган ҳолдаги буйруғи.

Шунингдек, муқобил текширув ўтказиш учун асосларни белгилловчи Солиқ кодексининг **88-моддаси** **тўртинчи қисми** Солиқ кодексининг **86-моддасига** киритилган ўзгаришга асосан чиқариб ташланди.

3. Солиқ кодексининг **90-моддаси** қуйидаги мазмундаги бешинчи қисм билан тўлдирилди:

«Ушбу моддада кўрсатилган тадбиркорлик субъектларининг молия-хўжалик фаолияти солиқлар ва бошқа мажбурий тўловлар молия йили мобайнида мунтазам равишда тўланмаган тақдирда, режали текширувлардан ўтказилиши мумкин».

4. Солиқ кодексининг **91-моддасидан** муқобил текширишларни ўтказиш шартларини белгилайдиган **тўққизинчи ва ўнинчи қисмлари** чиқариб ташланди, шунингдек Солиқ кодексининг **86-моддасига** киритилган ўзгаришга асосан, Солиқ кодексининг **92-моддасига** тегишли ўзгаришлар киритилди.

5. Солиқ кодексининг **109-моддаси** қуйидаги мазмундаги **тўртинчи қисм** билан тўлдирилди:

«Молия-хўжалик фаолиятини амалга ошириш чоғида биринчи марта ҳуқуқбузарлик содир этган тадбиркорлик субъекти қонун ҳужжатларида белгиланган муддатларда йўл қўйилган қоидабузарликларни ихтиёрий равишда бартараф этган ва етказилган моддий зарарнинг ўрнини қоплаган, шу жумладан солиқларни ва бошқа мажбурий тўловларни тўлаган тақдирда, унга нисбатан жарималар ҳамда молиявий санкциялар (пенядан ташқари) қўлланилиши мумкин эмас».

Г. ПҚ-2699-сонли қарор билан Солиқ қонунчилигига киритилган ўзгаришлар.

1. Юридик шахслардан олинадиган фойда солиғи бўйича

1. ПҚ-2699-сонли қарорнинг 8-иловасига мувофиқ тасдиқланди.

Юридик шахслардан олинадиган **фойда солиғининг базавий ставкаси** 2016 йил даражасида — 7,5 фоиз миқдорида сақланиб қолинди.

Тижорат банклари учун солиқ ставкаси ҳам 2016 йил даражасида — **15 фоиз** миқдорида сақланиб қолинди. Мобил алоқа хизматларини кўрсатувчи юридик шахслар (уяли алоқа компаниялари) учун рентабеллик даражасидан келиб чиқиб фойда солиғи ставкалари 2016 йил даражасида сақланиб қолинди:

рентабеллик даражаси 20 фоизгача — **7,5 фоиз** миқдорида;

рентабеллик даражаси 20 фоиздан юқори бўлган фойда суммасига — **50 фоиз** миқдорида.

Рентабеллик фойда солиғини тўлагунга қадар фойда суммасининг сотилган маҳсулот (товарлар, ишлар ва хизматлар)нинг ишлаб чиқариш таннархига нисбати сифатида аниқланади. Мобил алоқа хизматларини кўрсатувчи юридик шахслар (уяли алоқа компаниялари) учун фойда солиғининг ҳисоблашни ва тўланиши тартиби Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги ва Давлат солиқ қўмитаси томонидан белгиланади.

Бунда, экспорт улуши бўйича пасайтириладиган ставкалар рентабеллик даражаси 20 фоиздан юқори бўлган фойда суммаси бўйича қўлланиладиган 50 фоизлик ставкага нисбатан қўлланилмайди.

2. Экспорт қилувчи корхоналар учун фойда солиғи бўйича 2016 йилда амал қилган, реализациянинг умумий ҳажмида ўзи ишлаб чиқарган товарлар, ишлар, хизматларнинг (ишларни бажариш, хизматлар кўрсатиш жойидан қатъи назар) эркин алмаштириладиган валютадаги экспорти улушига боғлиқ ҳолда солиқ солишнинг регрессив шкаласи сақланиб қолинди, бундан Ўзбекистон Республикаси Президентининг 1997 йил 10 октябрдаги ПФ-1871-сон Фармони билан тасдиқланган рўйхатда келтирилган хом ашё маҳсулотлари мустасно. Экспорт улуши:

реализациянинг умумий ҳажмида 15 фоиздан 30 фоизгача бўлганда, белгиланган ставка 30 фоизга пасайтирилади;

реализациянинг умумий ҳажмида 30 фоиз ва ундан кўп бўлганда, белгиланган ставка 50 фоизга пасайтирилади.

3. Аукционлар ўтказишдан, концерт-томоша фаолияти билан шуғулланишга лицензияси бўлган юридик ва жисмоний шахсларни (шу жумладан норезидентларни) жалб этиш йўли билан оммавий томоша тадбирларини ташкил этишдан даромад олувчи юридик шахслар учун фойда солиғи ставкаси солиқ солинадиган базага нисбатан 2016 йил даражасида **35 фоиз** миқдорида сақланиб қолинди.

4. Ўзбекистон Республикаси резидентларига дивидендлар ва фойзалар тарзида тўланадиган даромадларга солиқ ставкаси **10 фоиз** миқдорида сақланиб қолинди.

II. Жисмоний шахслардан олинадиган даромад солиғи бўйича

Жисмоний шахслардан олинадиган даромад солиғи ставкалари 2016 йил даражасида сақланиб қолинди.

Бунда, солиқ солинадиган даромадлар гуруҳлари бўйича солиқ солиш шкаласи йил бошига — 2017 йил 1 январьга белгиланган энг кам иш ҳақи миқдорида (149 775 сўм) келиб чиқиб аниқланади ва йил давомида энг кам иш ҳақи миқдори ўзгарган тақдирда ҳам қайта кўриб чиқилмайди.

ЖШДС суммасини ҳисоблаб чиқариш мақсадида, энг кам иш ҳақи миқдори йил бошидан ортиб борувчи акун билан ҳисобга олинади (йил бошидан бошлаб тегишли даврнинг ҳар бир ойи учун энг кам иш ҳақининг жами суммаси).

Белгиланган ставкалардан келиб чиқиб ҳисобланган, бюджетга тўланадиган ЖШДС суммаси фуқароларнинг шахсий жамғариб бориладиган пенсия ҳисобварақларига ўтказиладиган, жисмоний шахслардан олинадиган даромад солиғи солинадиган даромадларидан «0» ставка бўйича солиқ солинадиган даромадни (энг кам иш ҳақини) чегириган ҳолда 1 фоиз миқдорида ҳисоблаб чиқариладиган ҳар ойлик мажбурий бадаллар суммасига камайтирилади.

Қонун ҳужжатларига мувофиқ энг кам ставка бўйича солиқ солинадиган жисмоний шахсларнинг алоҳида даромад турларини солиққа тортиш мақсадида энг кам ставка **7,5 фоиз** миқдорида қўлланилади.

III. Ягона солиқ тўлови бўйича

1. ЯСТнинг ставкалари микрофирмалар ва кичик корхоналар учун (савдо ва умумий овқатланиш корхоналаридан ташқари) ПҚ-2699-сонли қарорнинг 10-1-иловасига мувофиқ, савдо ва умумий овқатланиш корхоналари, шу жумладан, микрофирмалар ва кичик корхоналар учун 10-2-иловасига мувофиқ ҳамда айрим тоифадаги корхоналар учун 10-3-иловасига мувофиқ тасдиқланди.

2017 йил учун иқтисодийнинг барча тармоқларидаги микрофирма ва кичик корхоналар учун ЯСТ ставкаси 5 фоиз миқдорида белгиланди, бундан 10-1-илованинг 2-7-бандларида назарда тутилганлар мустасно.

2. Божхона расмийлаштируви бўйича хизматлар кўрсатувчи юридик шахслар (божхона брокерлари) учун ЯСТ ставкаси 2016 йил даражасида 5 фоиз миқдорида сақланиб қолинди.

3. Экспорт қилувчи микрофирмалар ва кичик корхоналар учун ЯСТ бўйича 2016 йилда амал қилган, реализациянинг умумий ҳажмида ўзи ишлаб чиқарган товарлар, ишлар, хизматларнинг, (ишларни бажариш, хизматлар кўрсатиш жойидан қатъи назар) эркин алмаштириладиган валютадаги экспорти улушига боғлиқ ҳолда солиқ солишнинг регрессив шкаласи сақланиб қолинди, бундан Ўзбекистон Республикаси Президентининг 1997 йил 10 октябрдаги ПФ-1871-сонли Фармони билан тасдиқланган рўйхатдаги хом ашё товарлари мустасно. Экспорт улуши:

реализациянинг умумий ҳажмида 15 фоиздан 30 фоизгача бўлганда, белгиланган ставка 30 фоизга пасайтирилади;

реализациянинг умумий ҳажмида 30 фоиз ва ундан кўп бўлганда, белгиланган ставка 50 фоизга пасайтирилади.

Ушбу норма асосий фаолият туридан қатъи назар, ушбу илованинг 8-бандида белгиланган шартларни бажарган барча ЯСТ тўловчиларига таътиб этилади.

4. Концерт-томоша фаолияти билан шуғулланишга лицензияси бўлган, юридик ва жисмоний шахсларни (шу жумладан норезидентларни) жалб этиш йўли билан оммавий томоша тадбирларини ташкил этишдан даромад олувчи юридик шахслар, шунингдек ломбардлар учун ЯСТ ставкаси 2016 йил даражасида солиқ солинадиган базага нисбатан 30 фоиз миқдорида сақланиб қолинди.

5. Қуйидаги микрофирма ва кичик корхоналар учун: тайёрлов ташкилотлари, брокерлик идоралари (қимматли қозғалар бозорида брокерлик фаолиятини амалга оширадиган юридик шахслар бундан мустасно) ҳисобланадиган, шунингдек воситачилик, топшириқ шартномаси ва воситачилик хизматларини кўрсатишга доир бошқа шартномалар бўйича воситачилик хизматларини кўрсатувчи юридик шахслар учун ЯСТ ставкаси солиқ солинадиган базага нисбатан 33 фоиз миқдорида;

қимматли қозғалар бозорида брокерлик фаолиятини амалга оширадиган юридик шахслар учун ЯСТ ставкаси солиқ солинадиган базага нисбатан 13 фоиз миқдорида сақланиб қолинди.

Бунда, ушбу бандда кўрсатилган микрофирма ва кичик корхоналар учун солиқ солинадиган база ҳақ суммаси (ялпи даромад) кўринишида аниқланади.

6. Озёқ-овқат ва ноозёқ-овқат товарларини реализация қилиш учун тургун савдо шохобчаларини ижарага беришга ихтисослашган (ижарага беришдан олинадиган даромад 60 фоиздан юқори бўлган) юридик шахслар учун ЯСТ ставкаси 2016 йил даражасида солиқ солинадиган базага нисбатан 30 фоиз миқдорида сақланиб қолинди.

7. Умумий овқатланиш корхоналари учун ЯСТ ставкаси солиқ солинадиган базага нисбатан 10 фоиз, умумтаълим мактаблари, мактаб-интернатлар, ўрта махсус, касб-ҳунар ва олий таълим муассасаларига хизмат кўрсатувчи ихтисослашган умумий овқатланиш корхоналари учун эса — солиқ солинадиган базага нисбатан 8 фоиз миқдорида сақланиб қолинди.

8. Қуйидаги жойларда жойлашган чакана савдо корхоналари учун (бундан улғуржи, шунингдек улғуржи-чакана савдо билан шуғулланувчи корхоналар ҳамда дори воситалари ва тиббий буюмларни улғуржи реализация қилувчи ташкилотлар, дорихоналар мустасно):

аҳоли сони 100 минг ва ундан кўп кишидан иборат шаҳарларда — ЯСТ ставкаси 4 фоиз миқдорида;

бошқа аҳоли пунктларида — ЯСТ ставкаси 2 фоиз миқдорида;

бориш қийин бўлган ва тоғли туманларда — ЯСТ ставкаси 1 фоиз миқдорида сақланиб қолинди.

9. Фаолиятни юритиш жойидан қатъи назар бензин, дизель ёқилғиси ва сувоқтирилган газ, шунингдек алко-голли ва тамаки маҳсулотларини реализация қилувчи чакана савдо корхоналари учун ягона солиқ тўлови ставкаси 2016 йил даражасида товар оборотида нисбатан 4 фоиз миқдорида сақланиб қолинди.

10. Улғуржи, шунингдек улғуржи-чакана савдо билан шуғулланувчи корхоналар учун (бундан дори воситалари ва тиббий буюмларни улғуржи реализация қилувчи ташкилотлар, дорихоналар мустасно) ЯСТ ставкаси 2016 йил даражасида 5 фоиз миқдорида сақланиб қолинди.

11. Дори воситалари ва тиббий буюмларни улгуржи реализация қилувчи ташкилотлар, дорихоналар учун ЯСТ ставкаси жойлашган жойига қараб қуйидагича белгиланди:

аҳолиси сони 100 минг ва ундан кўп кишидан иборат шаҳарларда – **3 фоиз** миқдориди;
бошқа аҳоли пунктларида – **2 фоиз** миқдориди;
бориш қийин бўлган ва тоғли туманларда – **1 фоиз** миқдориди сақланиб қолинди.

12. Аҳоли пунктларини бориш қийин бўлган ва тоғли туманлари таркибига киритиш «Аҳоли пунктларини бориш қийин бўлган ва тоғли ҳудудлар таркибига киритиш тартиби тўғрисида»ги йўриқномага (Адлия вазирлиги томонидан 2008 йил 11 ноябрда 1868-рақам билан рўйхатдан ўтказилган) мувофиқ амалга оширилади.

13. Чакана савдо корхоналари мустақил юридик шахс ҳисобланмайдиган ва турли аҳоли пунктларида жойлашган, улар бўйича ЯСТнинг турли ставкалари белгиланган бир нечта савдо шохобчаларига эга бўлса, улар томонидан ҳар бир савдо шохобчаси бўйича товар айланмасининг алоҳида-алоҳида ҳисобини юритиш ҳамда мазкур аҳоли пунктлари учун белгиланган ставкалар бўйича ЯСТни тўлаш тартиби сақланиб қолинди.

14. ЯСТ тўловчилари учун (чакана савдо корхоналари бундан мустасно) ЯСТнинг энг кам миқдорини ҳисоблашда ягона база этиб, улар эгаллаб турган ер участкаси майдонидан келиб чиқиб ҳисобланадиган ер солигининг уч қарра миқдоридидаги суммани белгилаш тартиби сақланиб қолинди, қонун ҳужжатларида назарда тутилган ҳоллар бундан мустасно.

Шунингдек, чакана савдо корхоналари учун айнан шу турдаги фаолиятни амалга оширувчи якка тартибдаги тадбиркорлар томонидан тўланадиган қатъий белгиланган солиқ суммасидан келиб чиқиб ЯСТнинг энг кам миқдорини ҳисоблаш тартиби сақланиб қолинди (4.04.2013 йилдаги 2449-сон Низом).

15. Потерялар ташкил этиш бўйича фаолиятни амалга оширувчи юридик шахслар (мазкур фаолият тури доирасида) учун ЯСТ ставкаси солиқ солинадиган базага нисбатан 33 фоиз миқдоридида сақланиб қолинди.

IV. Қатъий белгиланган солиқ бўйича

1. Юридик шахслардан ва якка тартибдаги тадбиркорлардан олинадиган тадбиркорлик фаолиятининг айрим турлари бўйича қатъий белгиланган солиқ ставкалари ҳамда якка тартибдаги тадбиркорлардан олинадиган қатъий белгиланган солиқ ставкалари ПҚ-2699-сонли қарорнинг 11 ва 12-иловаларига мувофиқ тасдиқланди.

2. Автотранспорт воситаларини вақтинча сақлаш хизматларини кўрсатувчи юридик шахслар учун қатъий белгиланган солиқ ставкаси (бозорлар балансидагилардан ташқари):

Тошкент шаҳрида – 1 кв.метр учун ойига ЭКИХнинг 0,1 баравари миқдориди;

Нукус шаҳри ва вилоят бўйсунувидаги шаҳарларда – 1 кв.метр учун ойига ЭКИХнинг 0,06 баравари миқдориди;

бошқа аҳоли пунктларида – 1 кв.метр учун ойига ЭКИХнинг 0,04 баравари миқдоридида сақланиб қолинди.

2017 йилнинг 1 январидан бошлаб, бозорлар балансидаги автотранспорт воситаларини вақтинча сақлаш хизматларини кўрсатиш фаолияти учун қатъий белгиланган солиқ ставкаси жорий этилди. Бунда:

Тошкент шаҳрида – 1 кв.метр учун ойига ЭКИХнинг 0,05 баравари миқдориди;

Нукус шаҳри ва вилоят бўйсунувидаги шаҳарларда – 1 кв.метр учун ойига ЭКИХнинг 0,03 баравари миқдориди;

бошқа аҳоли пунктларида – 1 кв.метр учун ойига ЭКИХнинг 0,02 баравари миқдоридида белгиланди.

Шунингдек, юридик ва жисмоний шахслардан болалар ўйин автоматлари учун қатъий белгиланган солиқ ставкаси:

Тошкент шаҳрида – жиҳозланган ўринлар сонидан (бирликда) келиб чиқиб, ойига ЭКИХнинг 3,0 баравари миқдориди;

Нукус шаҳри ва вилоят бўйсунувидаги шаҳарларда – жиҳозланган ўринлар сони (бирликда)дан келиб чиқиб, ойига ЭКИХнинг 2,0 баравари миқдориди;

бошқа аҳоли пунктларида – жиҳозланган ўринлар сони (бирликда)дан келиб чиқиб, ойига ЭКИХнинг 1,0 баравари миқдоридида сақланиб қолинди.

3. Якка тартибдаги тадбиркорлардан олинадиган қатъий белгиланган солиқ ставкалари 2016 йил даражасида сақланиб қолинди.

Бунда, 2017 йил 1 январдан бошлаб, қонунчиликда белгиланган рўйхат асосида хунармандчилик фаолиятини амалга оширувчи якка тартибдаги тадбиркорлар учун ЭКИХнинг **0,5 баравари** миқдоридида қатъий белгиланган солиқ ставкаси жорий этилди.

4. Қатъий белгиланган солиқ тўловчиларнинг барча тоифалари учун қатъий белгиланган солиқ ставкаси йил бошига – 2017 йил 1 январь ҳолатига белгиланган

энг кам иш ҳақи миқдоридан (149 775 сўм) келиб чиқиб аниқланади ва йил давомида энг кам иш ҳақи миқдори ўзгарган тақдирда ҳам қайта кўриб чиқилмаслик тартиби сақланиб қолинди.

V. Қўшилган қиймат солиғи бўйича

ҚҚС ставкаси 20 фоиз миқдоридида сақланиб қолинди.

VI. Акциз солиғи бўйича

Ўзбекистон Республикасида ишлаб чиқариладиган ҳамда Ўзбекистон Республикаси ҳудудига олиб келинадиган акциз солиғига тортиладиган товарларга акциз солиғи ставкалари ПҚ-2699-сонли қарорнинг 13-1 ва 13-2-иловаларига мувофиқ тасдиқланди.

VII. Сув ресурсларидан фойдаланганлик учун солиқ бўйича

1. Сув ресурсларидан фойдаланганлик учун солиқ ставкалари ПҚ-2699-сонли қарорнинг 14-иловасига мувофиқ тасдиқланди.

2. Иқтисодиётнинг барча тармоқлари юридик шахслари (ПҚ-2699-сонли қарорнинг 14-иловасининг 2–4-бандларида кўрсатилганларидан ташқари), деҳқон хўжаликлари (юридик ва жисмоний шахслар), шунингдек тадбиркорлик фаолиятини амалга ошириш жараёнида сув ресурсларидан фойдаланадиган жисмоний шахслар учун **1 куб метр** ер усти сув манбалари учун **85,4 сўм** ва ер ости сув манбалари учун **108,5 сўм** миқдоридида сув ресурсларидан фойдаланганлик учун солиқ тўлашлари белгиланди.

Алкоголсиз ичимликлар ишлаб чиқарувчи ташкилотларга алкогольсиз ичимликлар ишлаб чиқаришда фойдаланган сув ҳажмларининг **1 куб метри** учун **13 800 сўм** миқдоридида ҳамда бошқа мақсадлар учун **1 куб метр** ер усти сув манбалари учун **85,4 сўм** ва ер ости сув манбалари учун **108,5 сўм** миқдоридида сув ресурсларидан фойдаланганлик учун солиқ тўлашлари белгиланди. Бунда мазкур ташкилотлар сув ресурсларидан фойдаланганлик учун солиқни солиқ солиш тартибидан (умумбелгиланган ёки соддалаштирилган солиқ солиш тартиби) қатъи назар тўлайдилар.

VIII. Ер қатъидан фойдаланувчилар учун солиқ ва махсус тўловлар

а) ер қатъидан фойдаланганлик учун солиқ бўйича Ер қатъидан фойдаланганлик учун солиқ ставкалари ПҚ-2699-сонли қарорнинг 15-иловасига мувофиқ тасдиқланди.

Ер қатъидан фойдаланганлик учун солиқ ставкалари 2016 йилда амал қилган ставкалар даражасида сақланиб қолинди.

б) бонуслар бўйича

ПҚ-2699-сонли қарорнинг 16-1-иловасига асосан имзоли бонус ставкалари, 16-2-иловасига мувофиқ эса тижоратбон топилма бонуси ставкалари тасдиқланган.

2017 йил учун:

– фойдали қазилмаларни разведка қилиш ва қидириш фаолиятини амалга ошириш ҳуқуқи учун энг кам иш ҳақининг 100 дан 10 000 бараваригача миқдорда белгиланган имзоли бонуснинг энг кам ставкалари;

– тижоратбон топилма бонуси ставкаси солиқ солинадиган базага нисбатан 0,1 фоиз миқдоридида сақланиб қолинди.

в) қўшимча фойда солиғи бўйича

қўшимча фойда солиғи ставкаси Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2016 йил 27 декабрдаги ПҚ-2699-сонли қарорининг 17-иловасига мувофиқ тасдиқланди.

IX. Мол-мулк солиғи бўйича

1. Юридик шахсларнинг мол-мулкига солинадиган солиқ ставкаси ПҚ-2699-сонли қарорнинг 18-иловасига мувофиқ тасдиқланган.

Мол-мулк солиғининг базавий ставкаси 2017 йилда **5 фоиз** миқдоридида белгиланди.

Белгиланган (меъёрий) муддатларда ўрнатилмаган ускуналар учун мол-мулк солиғи икки баравар ставкада тўланади.

2. Экспорт қилувчи корхоналар учун мол-мулк солиғи бўйича 2016 йилда амал қилган, реализациянинг умумий ҳажмида ўзи ишлаб чиқарган товарлар, ишлар, хизматларнинг (ишларни бажариш, хизматлар кўрсатиш жойидан қатъи назар) эркин алмаштириладиган валютадаги экспорти улушига боғлиқ ҳолда солиқ солишининг регрессия шкаласи сақланиб қолинди, бундан Ўзбекистон Республикаси Президентининг 1997 йил 10 октябрдаги ПФ-1871-сонли Фармони билан тасдиқланган рўйхатдаги хом ашё товарлари мустасно. Экспорт улуши: реализациянинг умумий ҳажмида 15 фоиздан 30 фоизгача бўлганда, белгиланган ставка 30 фоизга пасайтирилади;

реализациянинг умумий ҳажмида 30 фоиз ва ундан кўп бўлганда, белгиланган ставка 50 фоизга пасайтирилади.

Бунда белгиланган (меъёрий) муддатларда тугалланмаган қурилиш ва ишга туширилмаган ускуналар қийматига нисбатан пасайтирилган ставкалар қўлланилмайди.

3. Жисмоний шахсларнинг мол-мулкига солинадиган солиқ ставкалари ПҚ-2699-сонли қарорнинг 19-иловасига мувофиқ, мол-мулкларнинг инвентаризация қийматига нисбатан 1,7 фоиз (2016 йил 1,5 фоиз) миқдоридида белгиланди.

2017 йилда жисмоний шахсларнинг мол-мулкига солинадиган солиқ ставкаси шаҳарларда жойлашган, умумий майдони 200 кв.метрдан 500 кв.метргача бўлган турар жой ва квартираларга 1,8 фоиздан **2,1 фоизга**, майдони 500 кв.метрдан ошқ бўлган турар жой ва квартиралар учун эса 2,5 дан **2,9 фоизга** оширилди.

Бошқа аҳоли пунктларида жойлашган умумий майдони 200 кв.метрдан ошқ бўлган турар жой ва квартиралар учун жисмоний шахсларнинг мол-мулкига солинадиган солиқ ставкалари мол-мулкларнинг инвентаризация қийматига нисбатан **2,1 фоиз** (2016 йил 1,8 фоиз) миқдоридида белгиланди.

Жисмоний шахсларнинг мол-мулкига солинадиган солиқни ҳисоблаб чиқариш мақсадида мол-мулкнинг инвентаризация қиймати кадастр ҳужжатларидан келиб чиқиб, бироқ 3 000 000 сўмдан кам бўлмаган миқдордан келиб чиқиб ҳисобланади.

Жисмоний шахслар мол-мулкни баҳолаш бўйича органлар белгиланган инвентаризация қиймати бўлмаса, солиқ ундириш учун Тошкент шаҳри ва вилоят марказларида 20 328,0 минг сўм, бошқа шаҳарлар ва қишлоқ жойларда 8 833,0 минг сўм миқдоридида мол-мулкнинг шартли қиймати сақланиб қолинди.

Кўчмас мулкка бўлган ҳуқуқни давлат рўйхатидан ўтказувчи органларда белгиланган тартибда рўйхатдан ўтказилмаган янги қурилган турар жойлар бўйича жисмоний шахсларнинг мол-мулкига солинадиган солиқ мол-мулкнинг шартли қийматининг икки бараваридан келиб чиққан ҳолда ундирилади.

Қонун ҳужжатларида назарда тутилган айрим тоифадаги жисмоний шахслар учун мол-мулк солиғи бўйича имтиёزلарни қўллаш мақсадида солиқ солинмайдиган майдон умумий майдоннинг **60 кв.м** ҳажмида белгиланади.

X. Ер солиғи бўйича

1. Ер солиғи ставкалари ПҚ-2699-сонли қарорнинг 20-иловасига мувофиқ тасдиқланди.

Бунда 2017 йил 1 январдан бошлаб ПҚ-2699-сонли қарорнинг 20-иловаси 6-жадвалига мувофиқ шаҳарлар ва шаҳарчаларда ер участкалари зоналари унификация қилинди.

ПҚ-2699-сонли қарорнинг 20-иловаси 7 ва 8-жадвалларида келтирилган ставкаларга ер участкалари жойлашган жойидан келиб чиқиб, қуйидаги коэффициентлар қўлланилади: Тошкент шаҳри атрофида 20 км радиусда – 1,30, Қорақалпоғистон Республикаси пойтахти ва вилоят марказлари атрофида 15 км радиусда – 1,20, туман марказлари атрофида 10 км радиусда – 1,15 ва бошқа шаҳарлар атрофида 5 км радиусда – 1,10.

Ер участкаларига бўлган масофа автомобиль йўллари бўйича шаҳарлар ва туман марказларининг маъмурий чегараларидан бошлаб белгиланади. Агар ер участкаси икки шаҳар яқинида жойлашган бўлса, шаҳарнинг юқорироқ функционал вазифасига мувофиқ келадиган коэффициент қўлланилади.

Ушбу коэффициент ер участкаларига бўлган ҳуқуқни давлат рўйхатидан ўтказувчи орган томонидан тегиш-ли давлат солиқ хизмати органларига тақдим қилинган маълумотлар асосида қўлланилади.

Жисмоний шахсларга тадбиркорлик фаолияти учун берилган ер участкаларидан солиқ юридик шахслар учун тасдиқланган ставкалар бўйича ундирилади.

Кўп квартирили уйларда жойлашган яшаш учун мўлжалланмаган жойлар учун юридик ва жисмоний шахслар томонидан ер солиғи яшаш учун мўлжалланмаган жойларнинг ер майдонини қаватлар сонига бўлган ҳолда ҳисоблаб чиқарилади.

2. Жисмоний шахслардан ундириладиган ер солиғини ҳисоблаб чиқаришда 5 ва 6-жадвалларда келтирилган базавий ставкалар белгиланган нормативлар доирасида ер участкаларига нисбатан қўлланади, белгиланган нормативлардан юқори ер участкалари учун базавий ставкаларга эса оширувчи коэффициент – 1,5 қўлланади.

Жисмоний шахслардан ундириладиган ер солиғини ҳисоблаб чиқариш мақсадида ер участкаларининг қуйидаги нормативлари қўлланади:

Тошкент ш., Нукус ш. ва вилоят бўйсунувидаги шаҳарлар – 0,06 га;

бошқа аҳоли пунктлари (деҳқон хўжаликлари бундан мустасно) – 0,1 га.

XI. Ягона ер солиғи бўйича

Қишлоқ хўжалиги товар ишлаб чиқарувчилари учун ягона ер солиғи ставкаси ПҚ-2699-сонли қарорнинг 21-иловасига мувофиқ тасдиқланди.

Қишлоқ хўжалиги товар ишлаб чиқарувчи ягона ер солиғи тўловчилари учун ягона ер солиғи ставкаси ерларнинг норматив

2017 йилда солиқлар ва бошқа мажбурий тўловлар ставкаларидаги ўзгаришлар, шунингдек, солиқ солишнинг айрим масалалари тўғрисида

ахборот



қийматига нисбатан **0,95 фоиз** миқдорида сақланиб қолинди.

Бунда ҳар бир ҳўжалик бўйича қишлоқ ҳўжалиги ерларининг норматив қиймати Ўзбекистон Республикаси Ер ресурслари, геодезия, картография ва давлат кадастри давлат қўмитасининг «Ўздаверлоийҳа» Ўзбекистон давлат илмий-лойиҳа институти томонидан белгиланади.

XII. Маҳаллий солиқлар ва йиғимлар бўйича
ПҚ-2699-сонли қарорнинг 22-иловасига мувофиқ, 2017 йил учун маҳаллий солиқлар ва йиғимларнинг энг юқори ставкалари қуйидагича белгиланди:

1. Ободонлаштириш ва ижтимоий инфратузилмани ривожлантириш солиғи соф фойданинг **8 фоизи** миқдорида сақланиб қолинди.

2. Транспорт воситаларига бензин, дизель ёқилғиси ва газ ишлатганлик учун олинадиган солиқ ставкалари қуйидагича белгиланди:

бензин ёқилғиси – **1 литр учун 465 сўм / 1 тоннага 617 700 сўм;**

дизель ёқилғиси – **1 литр учун 465 сўм / 1 тоннага 565 000 сўм;**

суьултирилган газ – **1 литр учун 230 сўм / 1 тоннага 436 300 сўм;**

сиқилган газ – **1 куб метр учун 275 сўм.**

Бунда автомобилларга ёқилғи қуйиш шохобчалари орқали бензин, дизель ёқилғиси ва суьултирилган газни реализация қилишда транспорт воситаларига бензин, дизель ёқилғиси ва суьултирилган газни ишлатганлик учун олинадиган солиқ 1 литр ҳисобида, бошқа ҳолларда эса 1 тонна ҳисобида ҳисоблаб чиқарилади.

3. Кўрсатиб ўтилган ставкалар миқдорлари Ўзбекистон Республикасининг бутун ҳудудида ягона ҳисобланади. Транспорт воситалари учун бензин, дизель ёқилғиси ва газ истеъмолига солиқ ставкаларининг қайта ишлашга берилган бензин ва дизель ёқилғиси бўйича миқдорлари транспорт воситалари учун бензин, дизель ёқилғиси ва газ истеъмолига солиқига олган ҳолда бензин ва дизель ёқилғисига чакана нархлар доирасида шакллантирилади. Воситачилик шартномалари бўйича импорт қилинадиган қайта ишлашга берилган хом ашё асосида ишлаб чиқариладиган бензин ва дизель ёқилғиси ҳажми бўйича тўловчилар, транспорт воситалари учун бензин, дизель ёқилғиси ва газ истеъмолига солиқни ҳисоблаб чиқариш ва тўлаш тартиби Ўзбекистон Республикасининг Молия вазирлиги ва Давлат солиқ қўмитаси томонидан белгиланади.

4. Айрим турдаги товарлар (алкоголли маҳсулотлар ҳамда қимматбаҳо металллар ва қимматбаҳо тошлардан ясалган буюмлар) билан чакана савдо қилиш ҳуқуқи учун йиғим ставкалари сақланиб қолинди.

5. Автотранспорт воситаларини вақтинча сақлаш бўйича пулли хизматларни кўрсатиш ҳуқуқи учун йиғим миқдори 2016 йил даражасида сақланиб қолинди.

6. Йиғим ставкаси йил бошига – 2017 йил 1 январь ҳолатига белгиланган энг кам иш ҳақи миқдоридан (149 775 сўм) келиб чиқиб аниқланади ва йил давомида энг кам иш ҳақи миқдори ўзгарган тақдирда ҳам қайта қўриб чиқилмайди.

XIII. Давлат мақсадли жамғармаларига мажбурий ажратмалар бўйича

1. Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги ҳузуридаги Бюджетдан ташқари Пенсия жамғармаси, Республика йўл жамғармаси ҳамда Умумтаълим мактаблари, касб-ҳунар коллежлари, академик лицейлар ва тиббиёт муассасаларини реконструкция қилиш, мукаммал таъмирлаш ва жиҳозлаш жамғармасига мажбурий ажратмалар солиш объектлари ПҚ-2699-сонли қарорнинг 23-иловасига мувофиқ тасдиқланади.

2. Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги ҳузуридаги Республика йўл жамғармасига йиғимлар ва ажратмалар ставкалари ПҚ-2699-сонли қарорнинг 24-иловасига мувофиқ тасдиқланади.

3. Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги ҳузуридаги бюджетдан ташқари Пенсия жамғармасига мажбурий ажратмалар ставкаси товарларни (ишларни, хизматларни) реализация қилишдан олинган тушум ҳажмига нисбатан 2016 йил даражасида **1,6 фоиз** миқдорида сақланиб қолинди.

4. Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги ҳузуридаги Республика йўл жамғармасига мажбурий ажратмалар ставкаси товарларни (ишларни, хизматларни) реализация қилишдан олинган тушум ҳажмига нисбатан 2016 йил даражасида **1,4 фоиз** миқдорида сақланиб қолинди.

5. Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги ҳузуридаги бюджетдан ташқари Умумтаълим мактаблари, касб-ҳунар коллежлари, академик лицейлар ва тиббиёт

муассасаларини реконструкция қилиш, мукаммал таъмирлаш ва жиҳозлаш жамғармасига мажбурий ажратмалар ставкаси товарларни (ишларни, хизматларни) реализация қилишдан олинган тушум ҳажмига нисбатан 2016 йил даражасида **0,5 фоиз** миқдорида сақланиб қолинди.

Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги ҳузуридаги бюджетдан ташқари Таълим ва тиббиёт муассасаларини реконструкция қилиш, мукаммал таъмирлаш ва жиҳозлаш жамғармасига мажбурий ажратмалар бўйича ҳўжалик юритувчи субъектларга қонун ҳўжатлари билан олдин берилган имтиёзлар Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги ҳузуридаги бюджетдан ташқари Умумтаълим мактаблари, касб-ҳунар коллежлари, академик лицейлар ва тиббиёт муассасаларини реконструкция қилиш, мукаммал таъмирлаш ва жиҳозлаш жамғармасига мажбурий ажратмаларга татбиқ этилади.

XIV. Ижтимоий жамғармаларга мажбурий тўловлар
1. ЯИТ ставкаси ПҚ-2699-сонли қарорнинг 25-иловасига мувофиқ тасдиқланди.

2. Микрофирмалар, кичик корхоналар ҳамда фермер ҳўжаликлари учун ЯИТ ставкаси солиқ солиш базасига нисбатан 2016 йил даражасида – **15 фоиз** миқдорида сақланиб қолинди.

Бошқа тўловчилар учун ҳам ЯИТ ставкаси 2016 йил даражасида **25 фоиз** миқдорида сақланиб қолинди.

3. 2017 йил учун фуқароларнинг бюджетдан ташқари Пенсия жамғармасига суьурага бадаллари ставкаси 2016 йилда амал қилган **7,5 фоиз** ўрнига **8 фоиз** миқдорида белгиланди.

XV. Солиқ солишнинг алоҳида масалалари бўйича.

1. Юридик шахслар учун кўчмас мулкни ижарага беришдан олинган даромадларига солиқ солишнинг амалдаги тартиби сақлаб қолиниб, унга мувофиқ мазкур даромадлар шартнома бўйича ўрнатилган ижара тўлови суммасидан келиб чиққан ҳолда, аммо давлат кўчмас мулкдан фойдаланганлик учун ижара тўловининг энг кам ставкалари бўйича ҳисоблаб чиқилган миқдордан кам бўлмаслиги лозим.

2. Мол-мулкни ижарага берувчи жисмоний шахслар учун белгиланган ижара тўловининг энг кам ставкалари ПҚ-2699-сонли қарорнинг 26-иловасига мувофиқ тасдиқланди. Бунда, ижара тўловининг энг кам ставкалари:

• турар жойни ижарага беришда 1 кв.метр учун Тошкент шаҳрида – **4 500 сўм** (2016 йилда 3 000 сўм), Нукус шаҳри ва вилоятга бўйсунувчи шаҳарларда – **3 000 сўм** (2016 йилда 2 000 сўм) ва бошқа аҳоли пунктларида – **1 500 сўм** (2016 йилда 1 000 сўм);

• нотурар жойларни ижарага беришда 1 кв.метр учун Тошкент шаҳрида – **9 000 сўм** (2016 йилда 6 000 сўм), Нукус шаҳри ва вилоятга бўйсунувчи шаҳарларда – **6 000 сўм** (2016 йилда 4 000 сўм) ва бошқа аҳоли пунктларида – **3 000 сўм** (2016 йилда 2 000 сўм);

• енгил автомобилларга (йўловчилар, юк ташиш учун мўлжалланган ва ўриндиқлари сони ҳайдовчини ҳисоба олмаган ҳолда 8 та жойдан кўп бўлмаган автотранспорт воситаси) 1 автотранспорт воситаси учун – **330 000 сўм** (2016 йилда 220 000 сўм);

• микроавтотуслар, автобуслар ва юк автомобилларига 1 автотранспорт воситаси учун – **645 000 сўм** (2016 йилда 430 000 сўм) ижара тўловининг энг кам миқдорларидан иборат.

3. Мобил алоқа хизмати кўрсатувчи юридик шахслар (уяли алоқа компаниялари) томонидан абонент рақамидан фойдаланганлик учун тўланадиган тўлов 2016 йил амалда булган ҳар ойга 1 500 сўм ўрнига 2017 йилда **2 000 сўм** миқдорида белгиланган бўлиб, маблағлар ПҚ-2699-сонли қарорнинг 27-иловасига мувофиқ тақсимланади.

4. Ундиришни солиқ тўловчиларнинг мол-мулкига қаратиш учун солиқ қарзининг энг кам миқдорлари ПҚ-2699-сонли қарорнинг 28-иловасига мувофиқ тасдиқланади. Ундиришни солиқ тўловчиларнинг мол-мулкига қаратишда солиқ қарзининг энг кам миқдорлари йил бошида – 2017 йилнинг 1 январидида белгиланган энг кам иш ҳақи миқдоридан (149 775 сўм) келиб чиқиб аниқланади ва энг кам иш ҳақи миқдори йил давомида ўзгарганда ҳам қайта қўриб чиқилмайди.

5. Минтақаларнинг ўзини-ўзи молиявий таъминлаш даражасини ошириш, маҳаллий бюджетларнинг Ўзбекистон Республикаси Давлат бюджетигаги улушини қўпайтириш мақсадида қуйидаги умумдавлат солиқлари ва бошқа даромадлар бўйича тушумлар:

• сув ресурсларидан фойдаланганлик учун солиқ;

• юридик шахслар ва яқка тартибдаги тадбиркорларнинг тадбиркорлик фаолияти айрим турлари бўйича қатъий белгиланган солиқ;

• яқка тартибдаги тадбиркорлардан олинадиган қатъий белгиланган солиқ;

• Ўзбекистон Республикасида ишлаб чиқариладиган пиво ва ўсимлик ёғига акциз солиғи;

• чакана савдо тармоқларида сотиладиган олтиндан ясалган заргарлик буюмларига акциз солиғи;

ПҚ-2699-сонли қарорнинг 29-иловасига мувофиқ давлат божлари, йиғимлар ва жарималар.

6. Мобил алоқа хизматини кўрсатувчи юридик шахслар (уяли алоқа компаниялари) томонидан абонент рақамидан фойдаланганлик учун тўловнинг Ўзбекистон Республикаси Давлат бюджетига йўналтириладиган қисми, абонентнинг рўйхатга олинган жойига қараб Қорақалпоғистон Республикаси Бюджети ва вилоятларнинг маҳаллий бюджетларига ўтказилиши белгиланди.

7. Юридик шахснинг мустақил солиқ тўловчи бўлмаган алоҳида бўлинмаларининг солиқ мажбуриятлари, ушбу юридик шахс томонидан алоҳида бўлинмаларга тўғри келадиган солиқ мажбуриятлари қисми улар жойлашган жойига тўлаш орқали амалга оширилиши белгиланган.

Юридик шахснинг мустақил солиқ тўловчи бўлмаган алоҳида бўлинмалари томонидан фаолиятни амалга ошираётган жойларга солиқларнинг тўлаш тартиби, аниқ белгиланган мезонлар кўрсатилган ҳолда ушбу тартиб қайси алоҳида бўлинмаларга татбиқ этилиши, Адлия вазирлигида рўйхатга олинган сўнг солиқ тўловчиларга белгиланган тартибда етказилади.

8. Ишловчи аёлларга ҳомиладорлик ва туғиш бўйича нафақалар тўлашни иш берувчилар ҳисобидан амалга ошириш тартиби 2018 йилнинг 1 январига қадар узайтирилди.

9. 2017 йилнинг 1 январидан бошлаб **бошқа тадбиркорлик субъектлари учун белгиланган** ЯИТни ҳар бир ходим учун ойига минимал иш ҳақига қаррали миқдорда ҳисоблашнинг амалдаги тартиби чакана савдо, умумий овқатланиш ва қурилиш соҳаси корхоналарига ҳам татбиқ этилиши белгиланди. Бунда:

• микрофирма ва кичик корхоналар ҳар бир ходим учун ойига минимал иш ҳақининг **0,65** миқдоридан кам бўлмаган миқдорда;

• микрофирма ва кичик корхоналар тоифасига кирмайдиган юридик шахслар ҳар бир ходим учун ойига **1,0** минимал иш ҳақидан кам бўлмаган миқдорда ЯИТ ҳисоблайди.

XVI. Имтиёзлар бўйича

1. ПҚ-2699-сонли қарорнинг 13-бандига мувофиқ, «Ўзбекистон ҳаво йўллари» Миллий авиакомпаниясининг «САП» авиакомпанияси 2022 йилнинг 1 январига қадар барча солиқлар ва давлат мақсадли жамғармаларига мажбурий ажратмаларни тўлашдан озод этилди.

II. ПҚ-2699-сонли қарорнинг 26-бандига ва 35, 37-иловаларига асосан 2017 йил 1 январдан бошлаб Ўзбекистон Республикаси Президентининг ва Хукуматининг айрим қарорларига имтиёзларни узайтириш бўйича қиритилган ўзгаришлар ва қўшимчалар.

1. Қуйидаги имтиёзларнинг **2020 йил 1 январгача** татбиқ этилиши белгиланди:

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2006 йил 17 апрелдаги «Ўзбекистон Республикасида 2006–2010 йилларда хизмат кўрсатиш ва сервис соҳасини ривожлантиришни жадаллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги ПҚ-325-сонли қарорнинг 7-бандида белгиланган микрофирмалар ва кичик корхоналар учун фойда солиғи ҳамда ягона солиқ тўлашдан озод этиш тарзидаги имтиёзлар қуйидаги рўйхатга мувофиқ хизматларга татбиқ этилади:

1) **қишлоқ жойларда** пойабзал ва чармдан тайёрланган буюмларни таъмирлаш соҳасидаги хизматлар;

2) **қишлоқ жойларда** соат таъмирлаш бўйича хизматлар;

3) қишлоқ жойларда маиший электрон ва электр ускуналар (телевизорлар, аудио-видеоаппаратуралар, компьютер, принтер техникаси, совутичлар, кондиционерлар ва бошқалар)ни таъмирлаш ва уларга техник хизмат кўрсатиш бўйича хизматлар;

4) қишлоқ жойларда сартароҳоналар ва гўзаллик салонлари томонидан кўрсатиладиган хизматлар;

5) қишлоқ жойларда кийим-кечак тикиш ва ямаш бўйича кўрсатиладиган хизматлар;

6) яқка тартибдаги турар жой қурилиши сифатида қурилган, қишлоқ маззеларида ташкиллаштирилган, кирларни ювишга қабул қилиш корхоналари томонидан кўрсатиладиган хизматлар;

7) яқка тартибдаги турар жой қурилиши сифатида қурилган, қишлоқ маззеларида ташкиллаштирилган, кимёвий тозалаш корхоналари томонидан кўрсатиладиган хизматлар.

8) таълим соҳасидаги хизматлар, жумладан компьютерда ишлашни ўргатиш;

9) санаторийлар, болалар соғломлаштириш муассасалари, болалар спорт муассасалари ва тўғрақлари хизматлари;

10) болалар, ногиронлар ва кекса фуқароларни парваришlash бўйича ижтимоий хизматлар;

11) ахборот-ресурс марказлари, ахборот-кутубхона марказлари, электрон таълим хизматлари;

12) **қишлоқ жойларда** кўрсатиладиган компьютерда дастурлаш бўйича хизматлар (жумладан, маслаҳат хизматлари).

Бунда, мазкур имтиёзлар микрофирмалар ва кичик корхоналарнинг барча даромадларига таъбиқ этилади, агарда уларнинг имтиёз қўлланиладиган хизматлар кўрсатишдан тушган тушуми товарлар (ишлар, хизматлар) сотишдан тушган тушум умумий ҳажмининг 80 ва ундан ортиқ фоизини ташкил этса;

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2010 йил 27 августдаги «Геология-разведка ишларини ташкил этиш ва олиб бориш тизими самардорлигини янада ошириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги ПҚ-1396-сонли қарорининг 10-бандида белгиланган Ўзбекистон Республикаси Давлат геология ва минерал ресурслар қўмитаси, «Навоий КМК» ДК ва «Олмалик КМК» ОАЖ геология-разведка ишларини олиб бориш учун республикада ишлаб чиқарилмайдиган, Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг ҳар йили тасдиқлайдиган рўйхатлари бўйича олиб қириладиган ускуналар, материаллар, махсус транспорт воситалари, дастурий ҳамда техник воситалар, шунингдек уларнинг эҳтиёт қисмлари божхона тўловларидан (божхона расмийлаштируви йиғимларидан ташқари) озод этиш тарзидаги имтиёзлар;

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2011 йил 26 октябрдаги «Тошкент шаҳрида Буюк Британиянинг Кембриж университети иштирокида юқори технологиялар марказини ташкил этиш тўғрисида»ги ПҚ-1631-сонли қарорининг 11-бандидаги:

ўқув-экспериментал юқори технологиялар Марказини барча соҳалардан, шунингдек давлат мақсадли жамғармаларига мажбурий тўловлардан;

юқори технологиялар Марказининг чет эллик ходимларини Марказ фаолияти доирасида олинган даромадлари ЖШДСдан озод этиш тарзидаги имтиёзлар.

Бунда ушбу банднинг тўртинчи-олтинчи хатбошилари чиқариб ташланди;

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2012 йил 4 апрелдаги «Самарқанд автомобиль заводида автотранспорт воситалари ишлаб чиқаришни янада ривожлантиришга оид қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида»ги ПҚ-1736-сонли қарори 3-бандидаги «Самарқанд автомобиль заводи» МЧЖга Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2006 йил 14 декабрдаги «Самарқанд автомобиль заводида ишлаб чиқаришни янада ривожлантириш ва республика автотранспорт паркни янгилash чора-тадбирлари тўғрисида»ги ПҚ-531-сонли қарори билан қўзда тутилган:

«Самарқанд автомобиль заводи» МЧЖни юридик шахслардан олинмайдиган фойда солигидан, юридик шахсларнинг мол-мулкига солинадиган солигидан, юридик шахслардан олинмайдиган ер солигидан, ҚҚСдан, Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги хузуридаги бюджетдан ташқари Умумтаълим мактаблари, касб-хунар коллежлари, академик лицейлар ва тиббиёт муассасаларини реконструкция қилиш, мукамал таъмирлаш ва жиҳозлаш жамғармасига мажбурий ажратмалардан;

Ўзбекистон Республикасида ишлаб чиқарилмайдиган ва «Самарқанд автомобиль заводи» МЧЖ томонидан қарорнинг 2-илловасига мувофиқ ишлаб чиқариш ва ишлаб чиқарилган автотранспорт воситаларига сотувдан кейин хизмат кўрсатиш учун олиб келинадиган товарлар учун божхона тўловларидан озод этиш (божхона расмийлаштируви йиғимларидан ташқари) тарзидаги имтиёзлар;

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2013 йил 20 сентябрдаги «Мамлакатимизнинг дастурий таъминот воситалари ишлаб чиқувчиларини рағбатлантириш янада қучайтириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги ПҚ-2042-сонли қарорининг 4-бандида белгиланган, Миллий реестрга киритилган дастурий таъминот воситалари ишлаб чиқувчиларини:

барча турдаги солиқлар ҳамда Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги хузуридаги Республика йўл фондига, бюджетдан ташқари Умумтаълим мактаблари, касб-хунар коллежлари, академик лицейлар ва тиббиёт муассасаларини реконструкция қилиш, мукамал таъмирлаш ва жиҳозлаш жамғармасига мажбурий ажратмалар тўлашдан;

Ўзбекистон Республикасида ишлаб чиқарилмайдиган, Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси томони-

дан тасдиқланадиган рўйхатлар бўйича ўз эҳтиёжлари учун олиб келинадиган ускуналар, бутловчи қисмлар, деталлар, узеллар, технология ҳужжатлари, дастурий таъминот воситаларига бож тўловлари (божхона расмийлаштируви йиғимларидан ташқари) тўлашдан озод этиш тарзидаги имтиёзлар;

Вазирлар Маҳкамасининг 2009 йил 7 августдаги «Хорижий инвестициялар жалб этилган «JV MAN Auto – Uzbekistan» масъулияти чекланган жамият корхонасини ташкил этиш тўғрисида»ги 224-сонли қарорининг 4-бандида белгиланган:

«JV MAN Auto – Uzbekistan» МЧЖни юридик шахслардан олинмайдиган фойда солигидан, қўшилган қиймат солигидан, ободонлаштириш ва ижтимоий инфратузилмани ривожлантириш солигидан, Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги хузуридаги Республика йўл жамғармасига мажбурий тўловлардан;

қарорнинг иловасига мувофиқ рўйхат асосида «JV MAN Auto – Uzbekistan» МЧЖ томонидан олиб келинадиган товарларни божхона тўловларидан озод этиш (божхона расмийлаштируви йиғимларидан ташқари) тарзидаги имтиёзлар;

Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2010 йил 22 июлдаги «Республиканинг қишлоқ туманларида оналар ва болаларнинг репродуктив саломатлигини мустаҳкамлашга доир қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида»ги 156-сонли қарорининг 4-бандида белгиланган, Ўзбекистон Республикаси Соғлиқни сақлаш вазирлиги учун олиб қириладиган, тарихида, шу жумладан, фолги кислотаси ҳам мавжуд бўлган қарорнинг 1-илловасига киритилган умумий қувватлантирувчи поливитаминлар махсус комплексларини божхона тўловлари (божхона йиғимлари бундан мустасно) тўлашдан озод этиш тарзидаги имтиёзлар;

Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2013 йил 26 февралдаги «Наманган вилоятида мультимодал логистика марказини ва унинг фаолиятини ташкил этиш тўғрисида»ги 56-сонли қарорининг 11-бандида белгиланган, «Поп логистика маркази» унитар корхонаси солиқларнинг барча турларини тўлашдан, давлат мақсадли жамғармаларига мажбурий тўловлардан озод этиш тарзидаги имтиёзлар.

2. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2011 йил 30 декабрдаги «Оммавий ахборот воситаларини янада ривожлантириш учун қўшимча солиқ имтиёзлари ва афзалликлар бериш тўғрисида»ги ПҚ-1672-сонли қарорининг 1-бандида белгиланган:

оммавий ахборот воситалари тахририятлари ва нашриётлар ижтимоий-сиёсий ҳамда болалар адабиётини, имкониятлари чекланган шахслар (қўзи оқизлар, карсқовлар ва бошқалар) учун адабиётни сотишдан олинган фойдадан фойда солигини ҳамда ободонлаштириш ва ижтимоий инфратузилмани ривожлантириш солигини тўлашдан;

тахририятлар, нашриёт ва босмаҳоналар оммавий ахборот воситаларининг махсуслотлари, китоб махсуслотларини сотишдан ва уларнинг ускуналарини қўпайтириш бўйича хизматлардан олинмайдиган даромадлар қисмида Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги хузуридаги Республика йўл жамғармасига ҳамда умумтаълим мактаблари, касб-хунар коллежлари, академик лицейлар ва тиббиёт муассасаларини реконструкция қилиш, мукамал таъмирлаш ва жиҳозлаш жамғармасига мажбурий ажратмаларни тўлашдан;

Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси томонидан тасдиқланадиган рўйхат бўйича оммавий ахборот воситалари ва китоб махсуслотлари ишлаб чиқариш учун оммавий ахборот воситалари тахририятлари, нашриётлар, телерадиозшиттириш компаниялари ва полиграфия ташкилотлари томонидан олиб келинадиган қозғ, полиграфия материаллари ва ахборот сақлаш мосламалари, ускуналар божхона тўловларидан (божхона йиғимлари бундан мустасно) озод этиш тарзидаги имтиёзлар мuddати **2019 йилнинг 1 январига** қадар узайтирилди.

3. **2018 йил 1 январга** қадар қуйидаги:

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2011 йил 20 майдаги «Олий таълим муассасаларининг моддий-техник базасини мустаҳкамлаш ва юқори малакали мутахассислар тайёрлаш сифатини тубдан яхшилаш чора-тадбирлари тўғрисида»ги ПҚ-1533-сонли қарорининг 9-бандида белгиланган, 2011–2016 йилларда олий таълим муассасаларининг моддий-техник базасини модернизация қилиш ва мутахассислар тайёрлаш сифатини тубдан яхшилаш дастури доирасида Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси томонидан тасдиқланадиган рўйхатлар бўйича олиб қириладиган замонавий ўқув-лаборатория ва компьютер техникаси, илмий-методик адабиётлар божхона тўловлари (божхона расмийлаштируви йиғимларидан ташқари) тўлашдан озод этиш тарзидаги имтиёзлар;

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2013 йил 23 майдаги «Ўзбекистон Давлат жаҳон тиллари университетининг фаолиятини такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги ПҚ-1971-сонли қарорининг 9-бандида белгиланган, чет тилларни ўрганиш бўйича чора-тадбирларни амалга ошириш доирасида давлат таълим муассасаларининг моддий-техник базасини мустаҳкамлаш учун Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси томонидан тасдиқланадиган рўйхатлар бўйича олиб қириладиган компьютер техникаси, махсус асбоб-ускуна ва инвентарлар божхона тўловлари (божхона расмийлаштируви йиғимларидан ташқари) тўлашдан озод этиш тарзидаги имтиёзлар мuddати узайтирилди.

XVII. 2017 йил 1 январдан бошлаб Ўзбекистон Республикаси Президентининг ва Хукуматининг айрим қарорларига киритилган ўзгартириш ва қўшимчалар бўйича.

ПҚ-2699-сонли қарорнинг 35 ҳамда 37-илловаларига асосан **2017 йил 1 январдан** бошлаб Ўзбекистон Республикаси Президентининг ва Хукуматининг айрим қарорларига ўзгартириш ва қўшимчалар киритилди. Жумладан:

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2012 йил 6 ноябрдаги «Ислом тараққиёт банки иштирокида «Хоразм вилояти Тошсокин тизимининг магистрал суғориш каналларини тиклаш» лойиҳасини амалга ошириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги ПҚ-1849-сонли қарорининг 1-бандида лойиҳани амалга ошириш даври узайтирилиб, 2013–2019 йиллар қилиб белгиланди;

Вазирлар Маҳкамасининг 2009 йил 29 июлдаги 216-сонли қарори билан тасдиқланган «Юридик шахс ташкил этмасдан оилавий тадбиркорлиқни ва хунармандчилик фаолиятини амалга ошириш тартиби тўғрисида»ги Низомнинг иловаси янги тахрирда баён қилиниб, унда 34 та хунармандчилик фаолиятининг йўналиши, хунармандлар томонидан ишлаб чиқариладиган буюмлар ва товарлар (ишлар, хизматлар)нинг турлари рўйхати қўзда тутилди;

Вазирлар Маҳкамасининг 2011 йил 7 январдаги «Хусусий тадбиркорлар юридик шахс ташкил этмасдан шуғулланиши мумкин бўлган фаолият турлари рўйхатини тасдиқлаш тўғрисида»ги 6-сонли қарори билан тасдиқланган Хусусий тадбиркорлар юридик шахс ташкил этмасдан шуғулланиши мумкин бўлган фаолият турлари рўйхатига қуйидаги 5 та янги фаолият турлари (76-80 бандлари билан тўлдирилди) ва 5 та фаолият турлари бўйича аниқлаштирилган нормалар киритилди;

Вазирлар Маҳкамасининг 2014 йил 18 августдаги «Қишлоқ хўжалиги экин майдонларининг норматив қийматини аниқлаш тизимини такомиллаштириш тўғрисида»ги 235-сон қарори билан тасдиқланган «Қишлоқ хўжалиги экин майдонларининг норматив қийматини аниқлаш тартиби тўғрисида Низомнинг 1-илловаси 8-босқичидаги ягона ер солигининг тўлов мuddатлари ўзгартирилиб, Солиқ кодекси билан мослаштирилди;

Вазирлар Маҳкамасининг 2015 йил 31 июлдаги 219-сонли қарори билан тасдиқланган «Хусусий тадбиркорлар томонидан ходимларни ёллаган ҳолда тадбиркорлик фаолиятини амалга ошириш тартиби тўғрисида»ги Низомга илова қилинган рўйхатнинг 4-бандига киритилган ўзгартиришга асосан, Вазирлар Маҳкамасининг 2011 йил 7 январдаги 6-сон қарори билан тасдиқланган хусусий тадбиркорлар юридик шахс ташкил этмасдан шуғулланиши мумкин бўлган фаолият турлари рўйхатининг 43–48 ва 76–80-бандларида кўрсатилган фаолиятнинг турларини амалга оширувчи хусусий тадбиркорларга 2 нафаргача ходим ёллаш мумкинлиги белгиланди;

Вазирлар Маҳкамасининг 2016 йил 30 августдаги 286-сон қарори билан тасдиқланган «Ўзпахтаэкспорт» АЖ томонидан пахта толасини сотиш ва «Ўзпахтасаноат» АЖнинг ҳудудий филиаллари билан ҳисоб-китобларни амалга ошириш тартиби тўғрисида»ги Низомнинг 23-банди 3-хатбошига пахта толасини сотиш даврларида амалда бўлган жаҳон нархларининг тасдиқланган улгуржи преysкурант нархлардан юқори бўлганлиги ҳисобига юзага келган иjobий тафовут суммаси фойдаланилишини қўзда тутувчи қўшимча киритилди.

XVIII. ПҚ-2699-сонли қарорнинг 36-илловасига мувофиқ, Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2010 йил 24 декабрдаги «Ўзбекистон Республикасининг 2011 йилги асосий макроектсодий кўрсаткичлари прогнози ва Давлат бюджети параметрлари тўғрисида»ги ПҚ-1449-сонли қароридagi 2011 йилнинг 1 январидан бошлаб Ўзбекистон Республикаси Меҳнат ва аҳолини ижтимоий муҳофаза қилиш вазирлиги томонидан Иқтисодий вазирлиги ва Молия вазирлиги билан белгиланган ҳолда тасдиқланадиган чакана савдо, умумий овқатланиш ва қурилиш соҳаси корхоналари учун ходимлар сонининг ва меҳнат ҳақ тўлаш фонднинг энг кам нормативлари жорий этилиши белгиланган 8-банди **2017 йилнинг 1 январидан** бошлаб ўз кучини йўқотди.

Э.ГАДОВ,

Давлат солиқ қўмитаси раисининг ўринбосари.

А.АЛЛАБЕРГАНОВ,

Давлат солиқ қўмитасининг солиқ солиш методологияси бошқармаси бошлиғи.

2017 йил 9 январь.

Янги ҳужжатларни тақдим этамиз

2-бетда Қандай ҳуқуқбузарликлар учун жараима солинмайди

Маъмурий жавобгарлик тўғрисидаги кодексга тузатишлар киритилди.

Тадбиркорлик билан ноқонуний шугулланилганда солиқлар қопланиши керак

Тузатишлар билан ноқонуний тадбиркорлик фаолияти учун маъмурий жавобгарликдан озод этиш асоси аниқлаштирилди.

Бундан буён биринчи марта ҳуқуқбузарлик содир этган шахс, агар у ҳуқуқбузарлик аниқланган пайтдан эътиборан 30 кун ичида солиқлар ва бошқа мажбурий тўловлар тарзида давлатга етказилган зарарнинг ўрнини ихтиёрий равишда қоплаган, тадбиркорлик субъектининг рўйхатдан ўтказилишини таъминлаган ва зарур бўлган рухсат берувчи ҳужжатларни расмийлаштирган бўлса, ҳуқуқбузарлик нарсаларини мусодара қилмасдан жавобгарликдан озод этилади (МЖТКнинг 176-моддаси).

Иш қачон тўхтатилади

МЖТК маъмурий ҳуқуқбузарлик тўғрисидаги ишлар бўйича иш юритилишини истисно этувчи янги асос билан ҳам тўлдирилди.

Ҳуқуқбузарликни биринчи марта содир этган тадбиркорлик субъектининг мансабдор шахслари ёки ходимлари ёхуд тадбиркорлик фаолияти билан шугулланувчи фуқаролар ҳуқуқбузарлик аниқланган пайтдан эътиборан 30 кунлик муддатда йўл қўйилган бузилишларни ихтиёрий равишда бартараф этган ва (ёки) етказилган моддий зарарнинг ўрнини қоплаган бўлса, маъмурий жавобгарлик тўғрисидаги иш бўйича иш юритиш бошланмайди, бошланган иш эса тўхтатилади (МЖТКнинг 271-моддаси).

Мазкур меъёр қуйидаги ҳуқуқбузарликларга татбиқ этилади:

○ савдо ёки хизмат кўрсатиш қоидаларини бузиш, анча миқдордаги қийматда бузиш (ЭКХнинг 100 бараваридан 300 бараваригача) ва кўп миқдордаги қийматда бузиш (ЭКХнинг 300 бараваридан 500 бараваригача) (МЖТКнинг 164-моддаси 1, 2 ва 3-қисмлари);

○ лицензия ёки бошқа рухсат берувчи ҳужжатлар олинганда фаолият билан лицензиясиз ва бошқа рухсат берувчи ҳужжатларсиз шугулланиш (МЖТКнинг 165-моддаси);

○ ҳўжалик юритувчи субъектларнинг озиқ-овқат маҳсулотлари ва саноат молларини уларнинг сифатини ва ишлаб чиқариш маркасини тасдиқлайдиган ҳужжатларсиз сотиш, худди шунингдек сотиш мақсадида олиш (МЖТКнинг 166-моддаси 1-қисми);

○ ишлаб чиқариш маркасида ёки товар белгисида ишлаб чиқарувчининг номи ва жойлашган ери тўғрисида ахборот бўлмаган товарларни реализация қилиш, шунингдек реализация қилиш мақсадида сотиб олиш (МЖТКнинг 166-моддаси);

○ бозорларда савдо қилиш қоидаларини бузиш (МЖТКнинг 168-моддаси);

○ валюта операцияларини амалга оширувчи корхоналар, муассасалар, ташкилотлар ва банklar ходимларининг чет эл валютасини Ўзбекистон Республикасининг ваколат берилган банklarдаги валюта счётларига яшириб қилиш мақсадини кўзламай туриб вақтида ёхуд тўлиқ ўтказмаслиги (МЖТКнинг 171-моддаси 1-қисми);

○ валюта тушумининг бир қисmini қонун ҳужжатларида белгиланган тартибда ва миқдорларда мажбурий сотишдан бўйин товлаш (МЖТКнинг 171-моддаси 2-қисми);

○ экспорт-импорт операцияларини амалга оширишнинг белгиланган тартибini бузиш (МЖТКнинг 171-моддаси 3-қисми);

○ солиқ солинадиган фойдани (даромадни) ёки бошқа объектларни қасддан яшириш (камайтириб кўрсатиш) ёхуд солиқлар ва бошқа мажбурий тўловлар тўлашдан

қасддан бўйин товлаш, худди шундай ҳуқуқбузарликни анча миқдорда содир этиш (МЖТКнинг 174-моддаси 1 ва 2-қисмлари);

○ бухгалтерия ҳисоби ва ҳисоботини юритиш тартибini бузиш (МЖТКнинг 175-1-моддаси 1-қисми);

○ ходимлар сонини яшириш (МЖТКнинг 175-5-моддаси 1-қисми) ва бошқалар.

Кўрсатиб ўтилган асослар фуқароларнинг ҳаёти ва (ёки) соғлиғига зарар етказилган ҳолларда **татбиқ этилмайди**.

Лицензиясиз фаолият юритганлик учун кимлар ва қандай жазоланади

Маъмурий жавобгарлик тўғрисидаги кодекс, шунингдек Жиноят кодексига лицензиясиз фаолият юритганлик учун жавобгарлик назарда тутилган тузатишлар киритилди.

ЎРҚ-418-сон Қонун қабул қилинганга қадар МЖТКнинг 165-моддасига мувофиқ лицензия олиниши ёки бошқа рухсат берувчи ҳужжатлар олиниши шарт бўлган фаолият билан лицензиясиз ёки бошқа рухсат берувчи ҳужжатларсиз шугулланганлик учун фуқароларга ЭКХнинг 5 бараваридан 10 бараваригача, мансабдор шахсларга эса – 10 бараваридан 20 бараваригача миқдорда жараима солинган эди.

Кўрсатиб ўтилган қилмишлар маъмурий жазо чораси қўлланилганидан кейин бир йил давомида такроран содир этилганда жиноят таркиби ҳисобланиб, ЖКнинг 190-моддаси бўйича ЭКХнинг 25 бараваридан 75 бараваригача миқдорда жараима ёки 5 йилгача муайян ҳуқуқдан маҳрум қилиш ёхуд 3 йилгача муддатга ахлоқ тузатиш ишлари билан жазоланар эди.

2017 йил 1 январдан бошлаб мазкур тартибга ўзгартириш киритилди: лицензия олиниши шарт бўлган фаолият билан махсус рухсатнома олмасдан шугулланиш кўп миқдорда (ЭКХнинг 300 бараваридан 500 бараваригача) даромад олиш билан боғлиқ бўлса, жиноий жазо қўлланилади. Фаолият билан лицензиясиз шугулланиш маъмурий жазо чораси қўлланилганидан кейин бир йил давомида такроран содир этилганда, унга нисбатан жиноий жазо чораси қўлланилмайди ва маъмурий ҳуқуқбузарликлар қаторига киритилади.

Тури	Содир этилиш ҳолати	Жазо чораси
Маъмурий жавобгарлик	Лицензия олиниши ёки бошқа рухсат берувчи ҳужжатлар олиниши шарт бўлган фаолият билан лицензиясиз ёки бошқа рухсат берувчи ҳужжатларсиз шугулланиш	Фуқароларга ЭКХнинг 5 бараваридан 10 бараваригача, мансабдор шахсларга эса – 10 бараваридан 20 бараваригача миқдорда жараима солиш
	Фаолият билан лицензиясиз шугулланиш маъмурий жазо чораси қўлланилганидан кейин бир йил давомида такроран содир этилганда	Фуқароларга ЭКХнинг 10 бараваридан 20 бараваригача, мансабдор шахсларга эса 20 бараваридан 30 бараваригача миқдорда жараима солиш
Жиноий жавобгарлик	Лицензия олиниши шарт бўлган фаолият билан махсус рухсатнома олмасдан шугулланиш кўп миқдорда даромад олиш билан боғлиқ бўлганда (ЭКХнинг 300 бараваридан 500 бараваригача)	ЭКХнинг 25 бараваридан 75 бараваригача миқдорда жараима ёки 5 йилгача муайян ҳуқуқдан маҳрум қилиш ёхуд 3 йилгача муддатга ахлоқ тузатиш ишлари
	Ўша ҳаракат: жуда кўп миқдорда (ЭКХнинг 500 баравари ва ундан юқори); хавфли рецидивист томонидан; бир гуруҳ шахслар томонидан олдиндан тил бириктириб содир этилганда	ЭКХнинг 75 бараваридан 10 бараваригача миқдорда жараима ёки 6 ойгача қамоқ

Жиноят кодексига яна қандай ўзгартишлар бўлди?

Жиноят кодексига бошқа ўзгартиш ва қўшимчалар киритилди.

Қўшимча жазо тайинланмайдиган ҳолатлар

Киритилган тузатишларга мувофиқ энди тадбиркорлик фаолияти билан шугулланган шахсларга нисбатан тадбиркорлик фаолияти билан шугулланиш ҳуқуқидан маҳрум қилиш тарзидаги жазо тайинланмайди. Бундан одам ўлишига ёки бошқа оғир оқибатларга сабаб бўлган ҳоллар мустасно (ЖКнинг 45-моддаси).

Кимлар жавобгарликдан озод қилинади?

Молия-ҳўжалик фаолиятини амалга ошириш билан боғлиқ бўлган айрим жиноятларни биринчи марта содир этган шахс, агар у жиноят аниқланган кундан эътиборан 30 кунлик муддатда етказилган моддий зарарнинг ўрнини қоплаган бўлса, жавобгарликдан озод этилади.

Бундай жиноятлар сирасига қуйидагилар киритилади:

○ чет эл валютасининг яшириб қилиниши, шу жумладан гаразгүйлик билан, шунингдек бир гуруҳ шахслар томонидан олдиндан тил бириктириб яшириб қилиниши (ЖКнинг 178-моддаси). Бунда яширилган чет эл валютасининг Ўзбекистоннинг ваколат берилган банклари ҳисобига ихтиёрий равишда ўтказилиши таъминланса, жавобгарликдан озод этилади;

○ сохта банкротлик (ЖКнинг 180-моддаси);

○ банкротлики яшириш (ЖКнинг 181-моддаси);

○ қасддан банкротликка олиб келиш (ЖКнинг 181-1-моддаси);

○ ноқонуний тадбиркорлик фаолияти (ЖКнинг 188-моддаси). Бунда солиқлар ва бошқа мажбурий тўловлар тарзида давлатга етказилган зарарнинг ўрни ихтиёрий равишда қопланган, тадбиркорлик субъектининг рўйхатдан ўтказилиши таъминланган ва зарур бўлган рухсат берувчи ҳужжатлар расмийлаштирилган бўлса, жавобгарликдан озод этилади;

○ савдо ёки хизмат кўрсатиш қоидаларини бузиш (ЖКнинг 189-моддаси). Қоидалар бузилишининг оқибатлари бартараф этилганда жавобгарликдан озод этилади;

○ фаолият билан лицензиясиз шугулланиш (ЖКнинг 190-моддаси). Ҳуқуқбузарликларнинг оқибатлари бартараф этилган тақдирда жавобгарликдан озод этилади.

Олег Заманов,
«Norma Online» эксперти.

Эълонлар**ХИЗМАТЛАР**

Ташкилотлар учун компьютер ва маиший техникани ҳисобдан чиқариш учун ҳужжатларни тайёрлаш. Тўлов – инсталган шаклда. Тел.: 236-76-46, 233-74-95, 233-17-56.

Иш ҳужжатларини муқовалаш. Тел.: (+998 93) 556-61-31, (+998 90) 189-28-09.

Иқтисодий-ҳуқуқий газета

НОРМА МАСЛАХАТЧИХУҚУҚ
СОЛИҚЛАР
БУХГАЛТЕРИЯ

ТАЪСИСЧИ «Norma Hamkor» МЧЖ

Газета 2006 йил 26 декабрда Ўзбекистон Матбуот ва ахборот агентлигидан рўйхатга олинди.
Рўйхат рақами 0074.
Хафтада бир марта соҳанба кунлари чиқади.

Бош муҳаррир
Фарход Собирович
ҚУРБОНБОВ

Нашр учун масъул –
бош муҳаррир
Ғўринбосари,
масъул котиб
Нодир Носирович
АЛИМОВ

Адабий муҳаррир
Зулфия
Саидмуратовна
РАҲИМБЕКОВАСаҳифаловчи
Наталья
БАРАНОВА

ТАҲРИРИЯТ МАНЗИЛИ:
100105, Тошкент ш., Миробод тумани,
Таллимаржон кўч., 1/1,
Тахририят тел. 200-00-90
Обуна бўлими тел. 200-00-30
E-mail: sbx@norma.uz,
gazeta@norma.uz,
web: norma.uz

Обуна, газеталар, китоблар,
газеталарнинг электрон версияларини
етказиб бериш ва харид қилиш масалалари
бўйича 200-00-30;
«Norma» АҚТ бўйича – 200-00-90;
Рекламани жойлаштириш бўйича
283-32-31, 283-36-32 телефон рақамларига
муурожаат қилиш мумкин.

Газета нашри – «TOPPRINT» МЧЖнинг компьютер базисда теритиди ва саҳифаланди.
Нашр кўрсатишчи – 186. Қўзғат бичими – А3. Ҳажми – 2 босма табло, бахори келтирилган нарда.
Буюртма 778. Адади 1 150. Газета 2017 йил 16 январь соат 19.00 да топширилади.